МУҲАММАДИ ЛАТИПОВ

# ҚАЛБ ЖАВҲАРИ



Тошкент
«Янги аср авлоди»
2006

84(5У)6-5
Шеърлар

*Бугунги шеъриятда кам мурожаат қилинадиган аруз вазнидаги шеърлари билан ўқувчилар эътиборига тушган Муҳаммади Латипов Сизга яна бир назм гулдастасини ҳадя этмоқда. Муҳаммади Латипов ҳаётнинг ҳар бир мўъжизасидан завқ олиб яшайдиган қалби ёш шоир. У ана шу завқни гоятда самимий, ўйноқи мисралар орқали Сизнинг кўнглингизга ҳам юқтира олади.*

**Ушбу китобнинг нашр этилишига яқиндан ёрдам берган Навоий кон-металлургия комбинати раҳбариятига муаллиф ўзининг самимий миннатдорчилигини билдиради.**

20 06
А 9060
Alisher Navoiy
nomidagi
O'zbekiston MK

ISBN 5-633-01875-3
© Муҳаммади Латипов. «Қалб жавҳари». «Янги аср авлоди», 2006 йил

## *ОТАХОН ШОИР*

*Муҳаммади Латиповни вилоятимиздаги шеърият ихлосмандлари яхши билишади. У киши нафақат шоир, балки узоқ йиллардан буён ўз ҳаётини ёш авлодни ватанпарварлик руҳида, улар онгида миллий мустақиллик туйғуларини сингдириш руҳида, Ватанни севиш руҳида тарбиялашга бағишлаб келди.*

*Шоир ижодининг бош мавзуси — бу меҳнат аҳлининг буюклиги. У ўз шеърларида бағри кенг, ижодкор халқимизнинг сахийлигини, меҳнатсеварлигини, меҳмондўстлигини, миллий анъаналар ва оила қадрини, диёримиз ерининг гўзаллигини барилла куйлаб келди.*

*У киши ижодкор ходимларнинг назм кечаларида, китобхонлар конференцияларида, меҳнат жамоалари, маҳалла фуқаролари йиғинларида, ўқувчи ва талабалар давраларида, учрашув кечаларида ижодий кучга тўла ғайрат ва шижоатларини намоён этиб келмоқдалар.*

*Аруз йўлида уч шеърий тўпламнинг муаллифи Муҳаммади Латипов бугун ҳам ижодий кучга тўла. Мустақил Ўзбекистонимизнинг янада гуллаб яшнаши учун, ҳаётнинг ўзи бугун майдонга қўяётган мавзуларга ижодкор муносабатини билдириш учун шоир тинимсиз меҳнат қилиб, назм хазинасини янги шеърлар билан бойитмоқда.*

*Шоиримиз Муҳаммади Латиповга ижодий баркамоллик, соғ-саломатлик тилаймиз!*

**Б.М.РЎЗИЕВ,**
*Навоий вилояти ҳокими*

## *НАЗМ ГУЛДАСТАСИ*

*Муҳаммади Латипов вилоятимизда обрў, эътибор ва хурматига сазовар инсон. У киши менга устоз ва мураббий ҳисобланади.*

*Муҳаммади ака шаҳар жамоатчилик ташкилотларида узоқ йиллар фаолият кўрсатиб, меҳнат аҳли жамоаларини шаҳримизнинг гуллаб-яшнашига сафарбар этишда бор куч, билим ва ташкилотчилик қобилиятини аямадилар. Пок севги, садоқат, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, мустақиллик ва қадриятларимизни улуглаш, меҳр ва мурувват Муҳаммади ака ижодининг бош мавзуси.*

*У киши ҳозир ҳам жамоатчилик билан бирга ижодкорлар даврасида. Ўқувчи, талабалар билан учрашув ва шеърхонлик кечалари ўтказиб турадилар. Карминадаги «Деҳқон» маҳалла фуқаролари Муҳаммади Латиповнинг маънавият ва маърифат соҳасидаги суҳбатларидан мамнун.*

*Қатор шеърий тўпламлар муаллифи шоир Муҳаммади Латиповнинг янги назм гулдастаси — «Қалб жавҳари» шеърият мухлисларига муносиб совғадир.*

*Н.З.ҒИЁСОВ,*
*Навоий вилояти «Нуроний» жамғармасининг раиси*

# ҒАЗАЛЛАР

***Минг йиллардан мерос бизга, бешик, ширин, мумтоз ғазал,***
***Дил қувончи, роҳати жон, доим менга ҳамроз ғазал.***

## БИР ҚИЁ БОҚҚИЛ

Гўзал сарвиноз, кийиб гул либос, бир қиё боққил,
Қилма эътироз, мени қил халос, бир қиё боққил.

Қайси кун кўрдим, ишқингда ўлдим, сенда раҳм йўқ,
Девонанг бўлдим, ўйна чапандоз, бир қиё боққил.

Сен пари рухсор, кўзлари хумор, киприкларинг ўқ,
Этма мендан ор, қилма бунча ноз, бир қиё боққил.

Орзуим ўзинг, ширинлир сўзинг, кўнглинг бунча тўқ,
Тим қора кўзинг, айлагил ихлос, бир қиё боққил.

Ортар аламим, ёзар қаламим, урмагил сен дўқ,
Камаяр ғамим, зулм қилмагил боз, бир қиё боққил.

Васлингни излаб, йўлингни кўзлаб, ёндим бўлиб чўғ,
Фироқда бўзлаб, қил майли пардоз, бир қиё боққил.

## ГЎЗАЛГА ҒАЗАЛ

Кундан-кунга дардим ортар, ишқ яраси баттар бўлди,
Оқибатда ҳолим нетар, тандан бу жон кетар бўлди.

Сени деб кечдим оримдан, бу дунёда йўқ — боримдан,
Тинч кунларим оромимдан, бор йўлларим хатар бўлди.

Оҳ урарман мадорим йўқ, бирор ерда қарорим йўқ,
Сен етмайсан — нигорим йўқ, ажал қувиб етар бўлди.

Истаб сени кеча-кундуз, ишқим куртак очиб илдиз,
Йўл кўрсаткич бўлиб юлдуз, шеърим катта дафтар бўлди.

Парво қилмай менга унча, бердинг «йўқ» деган тушунча,
Фироқингда куйиб шунча, дилга сўзинг наштар бўлди.

Товус рухсорим ўзгинанг, кўзи хуморим ўзгинанг,
Тилак туморим ўзгинанг, афсонам сарбасар бўлди.

Инсоф қилурсан деб доим, мен кутарман эй гулойим,
Ҳеч билмадим не гуноҳим, куйиб жисмим ахгар бўлди.

Эй, Муҳаммад ўксинма кўп, ёринг келар инсофга хўб,
Дардинг айтиб, янозин ўп, билки бахтинг чопар бўлди.

## ҒАЗАЛ

Эй санам, тўхта кўрай ширмойи кулча юзларинг,
Кўзларимга суртай андак, гарди пойи изларинг.

Лабларингни очганингда ярқирар дуру гуҳар,
Жонга оро бергучи ширин забони сўзларинг.

Меҳр ила боқсанг ўзимга киприги пир-пир этиб,
Жон олур қасдида тайёр тимқора кўз-кўзларинг.

Мен билолмам не сабабдин бу куя тушдим вале,
Аҳли доииш, қилур хониш деб сени ноз-нозларинг.

Рашк уйин эшигин очдим бадарға кимса каби,
Кўрдиму ҳайратга қолдим тенги йўқ пардозларинг.

Ёлғиз ўғлинг эй, Айюб номинг билан ичдим қасам,
Ўзгага йўқдир кўнгил ҳарчанд бўлса таннозларинг.

Қўйгил энди қийнама Муҳаммадга қилгил раҳм,
Ханжаринг етди суякка ва яна боз-бозларинг.

## КЕЛУР

Сени эй нозик бадан, дам-бадам кўргим келур.
Рози бўлсанг ёнма-ён бир дам ўлтиргум келур.

Туну кун ҳажрингда дўзах азобин тортаман,
Жаннатинг кўрсатки мен ростакам тургим келур.

Баногоҳ дуч келурман ёнингда жазманларинг,
Дил сирин ошкор қилурга ҳамдам бўлгим келур.

Ишқинг тиғидан оққан юрагимнинг қони чун,
Қолма сен увволига, қил карам дегум келур.

Соф севги садоқатни ўтдилар куйлаб мудом,
Минг ичра бир достон сатрида ҳам юргим келур.

Ўқимоқлик истасанг дилдаги ишқ дафтарин,
Тоқат, бардош берса ғусса ғарам қилгум келур.

Етарми тортган азобим йўлингда, эй рафиқ?
Умидвори Муҳаммад субҳидам кутгим келур.

## БАРИБИР

Мен айрилиб диловари ул ёридан,
Бесабрман, бесабрман, бесабр.

Ўшал гўзал жонониму, йўқ — боридан,
Мен кабиру, мен кабиру, мен кабир.

Ғафлат тутиб бир номарднинг шум коридан,
Бу тадбиру, бу тадбиру, бу тадбир.

Жудо бўлиб, жонга аро қўш норидан,
У надиру, у надиру, у надир?

Қутулмадим бўҳтон деган у доридан,
Бу тақдиру, бу тақдиру, бу тақдир.

Тўёлмадим шу маъшуқам хуморидан,
Бу на сирдир, бу на сирдир, бу на сир?

Жазолансин ҳар кимса ҳам кирдоридан,
Эй тақсирим, эй тақсирим, эй тақсир.

Ҳеч кимса айрилмасин дилдоридан,
Беқадрман, беқадрман, беқадр.

Бир бевафо айирди денглар оридан,
Тополмас у Муҳаммадни барибир.

## МЕНДА БОР

Эй малак, ҳусну латофат сенда бор, ҳеч кимда йўқ,
Иффату ақлу заковат сенда бор, ҳеч кимда йўқ.

Минг тасанно қудратига ул холиқи наққоши,
*Яратган мулки ҳидоят* сенда бор, ҳеч *кимда йўқ.*

Майдалаб ўрган узун соч қоматингга кўрк берур,
Бу қайчи қаҳридан шафқат, сенда бор, ҳеч кимда йўқ.

Янги ойга менгзадим мен қошларинг камонини,
Кипригинг тиғ, йўқ шафоат, сенда бор, ҳеч кимда йўқ.

Кўзларинг оҳанграбоси сўзлагай достони ишқ,
Завқ билан тинглай ҳикоят, сенда бор, ҳеч кимда йўқ.

Лабларинг ғунчасидин олдими гул андозани,
*Хуш муаттар ҳиди қудрат сенда бор*, ҳеч *кимда* йўқ.

Тишларинг соф садафдан ё инжули маржон каби,
Дур бўлиб бергай назокат сенда бор, ҳеч кимда йўқ.

Ҳар сўзингги жон озуги, маъниси уммонча бор,
Чин сўзим, шундай камолат, сенда бор, ҳеч кимда йўқ.

Билки, Муҳаммад тақдири, эй парилар сарвари,
Сендайин соҳиби иффат менда бор, ҳеч кимда йўқ!

## ЭЛЛИК ҚОФИЯ

Келгил, эй дилдор, мен сенга хумор,
Тунлари бедор, аҳволим афкор,
Езаман ашъор.

Дардим кўп бисёр, табиблар ночор,
Давоси даркор, сенсан шифокор,
Берма кўп озор.

Сочингдир зуннор, киприкларинг хор,
Сийнангда қўш нор, оппоқ гўё қор,
Қилди дилафкор.

Кўзларинг ҳушёр, боқади такрор,
Кимга интизор? Мен-ку харидор,
Сенсан, менга ёр.

Софсан бахтиёр, ҳуснинг бетакрор,
Бир мен беқарор, олдинг ихтиёр,
Сенга зорман — зор.

Сен бўл вафодор, севгимиз шиор,
Бўлма жафокор, этайлик ҳамкор,
Айтайлик алёр.

Ишқимдир ошкор, нечун сен безор?
Кўпайди агёр, бўлгил халоскор,
Бошқаси бекор.

Қиласан инкор, беморман бемор,
Айтгил, не важ бор, борми бир шумкор?
Ё этасан ор?

Косиб, миришкор ёки кандакор,
Барчаси важдор, ханжарим обдор,
Сенсан севдиёр.

Қилдинг гирифтор, соласан бозор,
Достоним номдор, сен менга тумор,
Остир, ма, ол, дор!

## АРУЗДА ЁЗ

Бўлса агар иқтидор, арузда ёз, арузда,
Туплари бўлсанг бедор, арузда ёз, арузда.

Мисра, бўғин, оҳанги ҳамоҳанг бўлсин десанг,
Берма ўзингга озор, арузда ёз, арузда.

Ишқий ғазалларингни юракдан чиқар тўкиб,
Ўқисин десанг дилдор, арузда ёз, арузда.

Билим олай бу йўлда десанг албат пирни тут,
Шоирла бўлгил ҳамкор, арузда ёз, арузда.

Йўли кўп машаққатли, заҳмат талаб этадир,
Қолмагин ортда ночор, арузда ёз, арузда.

Интил, ўқи, ўрган, машқлар ортиқча эмас,
Бўлгил шоири номдор, арузда ёз, арузда.

Муҳаммад ҳам билганча бирқанча мисра ёзди,
Ер айтди, бўлар бекор, арузда ёз, арузда.

## ДИЛ РОЗИ

Арзимни тингла нигорим баён айлай дил розини,
Унутарми ҳеч бир киши юракдаги устозини.

Ўтди кунлар, ўтди ойлар сен созладинг дил созини,
Қўшиғимиз куйланмоқда, ҳамма тинглар овозини.

Ғунча бўлиб юракда сен очдинг гул сарвинозини,
Курашдим мен соф севгим чун енгиб ағёру тозини.

Кураш этар ҳамон давом, енгмоқ керак шаввозини,
Тобланаман пўлат каби қийноғидан мен қозини.

Айт гўзалим, қайси сайёд қўлдан учирар ғозини,
Бу курашда қатъий йўл бор, эр бермайди шаҳнозини.

Шулар сабаб кўтараман ёрим фироқу нозини,
Оширмагил ҳаддан зиёд зиқна, инжиқлик бозини.

Фикр қилиб ўйла интизор, қўйиб танти тарозини,
Нетай, истак йўқ кўргани ўзга жонон-танозини.

Ҳаёт йўли бардош билан ўтказар кўпи озини,
Муҳаммади кўрди анча найранг, ўйин дорбозини.

## ШУ ҚУЛАЙ

Сен менинг жоним эрурсан, мен сенинг дардинг олай,
Жонима жафо қилурсан, бу азобинг тож билай.

Сўзларинг бу танга роҳат, дурми у ё марварид,
Истагимсан, сен бахтимсан, қарши бўлсанг не қилай?

Мен зулмингдан қувонаман, сен жабрингни боз қил,
Сен бағрингдан қувсангу мен, остонангда ин қурай.

Сўрмасанг ҳолимни ҳаргиз бир қиё боқсанг етар,
Кош бўлсаю шу мурувват, рози бўлсанг мен қолай.

Ишқ дарди-ку роҳатимдир, сен этдинг уни инъом.
Оёғингга бош қўйиб мен гарди пойингни силай.

Устоз Эркин ишқ йўлини бош мисрадан куйлади,
Менга не ҳожатки асли, ўз-ўзимдан ҳам кулай.

Қанча бўлса изтиробинг менга бер, лаззат олай,
Ўзгалар бардоши етмас, Муҳаммадга шу қулай.

**СИЗ**

Соф кўнгилнинг соҳиби сезиб қиёлаб боқасиз,
Қомати барно, ширин сўз ўзгинамга ёқасиз.

*Куйингизда дарбадар излаб юрурман ҳар маҳал,*
Кўрдим маҳаллада саҳар зеби гардон тақасиз.

Мен висол шайдоси-ю ишқнинг куйи қайнар булоқ,
Не азоб етдим деганда лаб буриб сиз қочасиз.

Ваҳ, аламлар тегрида куйдирди бу ўтли фироқ,
Мен қолиб ағёри боргач, дарчангизни очасиз.

Бир салом муштоқиман, дардимни тинглар зора деб,
*Борганимда нари тур деб заҳрингизни сочасиз.*

На мушкулдир, эй фалак! Топмадим дардман юрак,
Сиз бепарво, мен ҳалак, пистайи хандон чақасиз.

Тамоман зорлик билан ўтди умур ҳайрониман,
Муҳаммадга ёқасиз, асли ўзи шунақасиз.

## БЎЛМАСА

Битилмас тунда ашъор, шоирда ёр, шам бўлмаса,
Кўкармас ҳеч бир гиёҳ остида сув, нам бўлмаса.

Етмади орзуга инсон илму ҳунар, меҳнатсиз,
Фахри бор элнинг бу кун ҳеч кимдан у кам бўлмаса.

Шу буюк халқ ер қазиб олтин оларми тоғ каби,
Миллатнинг идроки юксак, хотири жам бўлмаса.

Ҳар замонда бир замон деб айтган асли донишлар,
Бахтини кўрмасди юртим мустақил дам бўлмаса.

Ҳар бир соҳанг юзта достон қалам аҳлига ҳозир,
Элга хизмат эт Муҳаммад қоматинг ҳам бўлмаса.



Alisher Navoiy nomidagi O'zbekiston MK

## БОРМИКАН

Мен каби зорланиб юрган бормикан?
Сен каби орланиб турган бормикан?

Ориятинг кимга керак эй, жонон?
Васлингни деб жабринг кўрган бормикан?

Барча ошиқларнинг ҳоли цочорми?
Ишқ муроди ҳосил ўлган бормикан?

Кўча-куйда юраман қаддим букик,
Қоматимни ростлаб олган бормикан?

Бу азоблар охири дорулбақо,
Даврини машҳарда сурган бормикан?

Ишқ азоби нелар қилди Машрабни,
У каби дорга осилган бормикан?

Кел энди, ёнимда бўл, севгили ёр,
Муҳаммадга раҳми келган бормикан?

## КЕЛ

Келгил, ўлтир жонгинам, ёнгинамга ноз билан,
Хоҳишим йўқ суҳбатин, олгали танноз билан.

Билмадимки, не сабаб, дийдоринга зор айлаб,
Юрурсан мени қийнаб, агёр у шоввоз билан.

Сен томонда йўлларим, туйғуларим, ўйларим,
Билмадингми, шеърларим, бахшида қороз билан.

Тушумда ҳам ўнгимда, фақат хаёлим сенда,
Илҳом париси сен-да, кел жоним пардоз билан.

Ёшлигим ўтди бу кун, ишқ андуҳи бир тугун,
Ҳолим ёмон, гулгун, қолдим ёлғиз соз билан.

Оллоҳдан бир истагим, сенсан мурод, тилагим,
Ҳаётиму юрагим, кел шиддат парвоз билан.

Раҳм қил, эй, дилнавоз, билдирма сен эътироз,
Муҳаммад айтди, дил роз, қол энди устоз билан.

**ОМАД**

*Агар мен омадли бўлсам,* омад мендан қайтмас эди.
Барчага эш юрган омад мендан йироқ кетмас эди.

Нима ўзи омад деган: бойлик, ҳунар, мансаб, обрў,
Жами нозир бўлганда ҳам армонларим битмас эди.

Менам истаб дил маҳбубин умрим охир бўлиб қолди,
Омад кулиб боқди баъзан, баъзан писанд этмас эди.

Инсон учун равон йўл йўқ, машаққатдир асли мақсад,
Меҳнатни бахт билганлардан омад сира ҳуркмас эди.

Интилганга толе ёр деб, айтган доно халқим менинг,
Ниятинг соф бўлмас экан, Оллоҳ ваъда бермас эди.

Китоб ўқи, билим ол чун омад ўзи кириб келмас,
Мақсад сари авлиё ҳам «... даст ба кор», деб айтмас эди.

Омад ўзингга боғлиқ: бу поклик, мардлик, қунт, жасорат,
Эришай деб Муҳаммад ҳам шунча заҳмат чекмас эди.

## ҚАЙТАДАН

Эски дардга мен гирифтор қайтадан,
Юрак дардим мендан беор қайтадан.

Ҳақ амрими йўлиқди ул моҳ яна,
Эл ароки, бўлдим гуфтор қайтадан.

Гул эди дардимга малҳам бўлгудек,
Энди кўнглим ғужжайи хор қайтадан.

Лашкари ишқ пора қилди бу юрак,
Зор юрурман, васлига зор қайтадан.

Маҳбубим дийдорин қўмсаб то ҳануз,
Кўзим йўлида интизор қайтадан.

Эй, биродарлар, хазон бўлмай бутун,
Қилмасун, айтингки ночор қайтадан.

Бошидан кечган билур ишқ дардини,
Муҳаммаддек бўлса афкор қайтадан.

## МЕҲРУ МУРУВВАТ КЎРСАТ

Меҳру мурувват азал Одам Ато меросидир,
Меҳр ила кўнгил уйи мунаввар тонг биносидир.

Мурувват кўрсатиб тилларда достон Ҳотами Той,
Келди фурсат, бил ғанимат сен унинг ворисидир.

Кимга деб ўйлаб ўтирма меҳр, мурувват айлайин,
Ҳамма ҳам меҳринг қуёши ошиқи шайдосидир.

Яхши сўз, ширин табассум ўзгага малҳам эрур,
Не ажабким, бу хислат ота, онанг ризосидир.

Ҳар маҳалла теграсида ногирон, нуронийлар,
Мурувват айла уларга, гапнинг индаллосидир.

Савоб иш қилай десанг, йўли кўп, турлари кўпдир,
Меҳрли бўл, мурувват қил-ки, ҳаётинг навосидир.

Юртбоши бошлаб берди хайрли меҳр, мурувват йилин,
Давом этсин асрларким, бу унинг бисмиллосидир.

Меҳр кўрсат эй, Муҳаммад, мурувватинг қайнар булоқ,
Десунлар саҳф айламай, у шу дарднинг давосидир.

## ОДАМ БЎЛИШ КЕРАК

Бир ғазал битмоқчи бўлдим тингла дўст-ёринг билан,
Қил амал, ҳар бир қадамда, йигитлик оринг билан.

Қиблагоҳинг пандини олгин қулоққа, ҳушёр бўл,
Меҳрибон бўл волидангга, рози қил боринг билан.

Илм олу, ўрган ҳунарни, ҳунарсиз кимса хордир,
Ҳунардир минг хазина, хушнудсен рўзғоринг билан.

Оиланг бахтинг сени, фарзандларинг дилбандларинг,
Хушсухан бўл ҳам эркала ғамхўр-нигоринг билан.

Эътиборсиз боқма ҳаргиз ёш-улуғ гуфторига,
Маъни ол ҳар бир сўзидан қаторда норинг билан.

Давраларда кам гапир, таҳлилга бер ақлингни сен,
Доналаб сўзла сўзинг, маъноли гуфторинг билан.

Жонингда иш бажарсанг, раҳбаринг райига бор,
Кўрслигинг бермас мурод бу хислати коринг билан.

Қувма бойлик ортидан, қувсин сени гавҳару зар,
Беҳисоб давлат керакмас, охир афгоринг билан.

Худоё! Товфиқ ато эт, йўлдан адашганларга,
Имону инсоф бергин меҳрли ғамхоринг билан.

Эй, мўмин! Дариғ тутма дуодин шеър ўқиганда,
Кўп қатори Муҳаммадни зор-умидворинг билан!

## БОШИНГ КЎККА ЕТМАСДАН БУРУН

Мен насиҳат айласам тингла кар бўлмасдан бурун,
Ўқи, чиз дил кунжигаки, фурсат ўтмасдан бурун.

Эй, йигит! Меҳнат қил, меҳнатда бордир кўп хосият,
Обод эт юрту макон, тандан куч кетмасдан бурун.

Ваъда ҳар турли экан, қадри бўлур вафосила,
Ваъда бердингми бажар сен! Қадринг сўнмасдан бурун.

Ҳисобли бир он, сония, ҳисобдадир умринг дами,
Ҳисобли бўл ҳар ишда таъна ботмасдан бурун.

Ёдда тут қайтимли дунё, айланиб келгай санга,
Неки қилдинг яхши бил бахтинг чекинмасдан бурун.

Ҳарна ишга бел боғладинг сен вақтни ғанимат бил,
Билки вақт бахту, вақт олтин, вақтинг қайтмасдан бурун.

Кибрли бўлма ҳаргиз ҳам сохта камтарлик керакмас,
Керкайиб кетма, ерга боқ, ерга кирмасдан бурун.

Лаҳза топ, меҳрла кўнглин ол, элу авлодинг кўриб,
Бир умр яхши хулқингга гумон қолдирмасдан бурун.

Илм боғи шунча чексиз кор, сайрига олам сиғар,
Баҳра ол кўпроқ ўқи, бебаҳра қолмасдан бурун.

Хулқи-хуш бўл, очиқ-чеҳра, ширин сўзни одат қил,
Тунду туршак, аччиғингдан ҳамма кулмасдан бурун.

Ўгитларни кўрмадингми ўқиб сен кўплаб китоб?
Ҳадисдир бу, ёдда тут, эсдан чиқармасдан бурун.

Эй Муҳаммад, қисқа қил, бу йиғма сўзингдан не наф,
Лоф урма сен шеър ёздим деб, шоир бўлмасдан бурун.

## МУАЛЛИМ

Эй, буюк, мўътабар зот,
Доҳийлар яратдинг сен,
Қолди сендан улуғ Зот,
Оламни гуллатдинг сен.

Олим, мутафаккир ҳам,
Космонавт, оддий ишчи,
Барча улуғ фикр ҳам,
Сендадир ўқитувчи.

Истиқлол шиорингдир,
Топдинг бу кун муродинг,
Мустақиллик орингдир,
Иймон, ислом «ғиротинг».

Юртбошимиз раҳнамо,
Амалда ҳамма тилак.
Муаллимлар марҳабо,
Байрамингиз муборак!

**МУНОСАБАТ**

Нифоқ солиб кўнгилларга муродингга етолмассан,
Мустаҳкамдир қалъа, қўрғон, довонлардан ўтолмассан.

«Ваҳобик», «Ҳизбу Таҳрир» таълимотинг падаркушлик,
Қон тўкишлик ва беҳушлик ўзгасини битолмассан.

Нуқул бўҳтондан иборат варақлар тарқатиб охир,
Ватанга меҳри қайноқларни мутлақ чалғитолмассан.

Ким ҳам Ватанни пулга сотмиш, элу юртидан кечиб,
Кўрнамак, жирканчу хоин, жазодан сен қутулмассан.

Фаросат бобида ҳаргиз кўрмадим малъуни нопок,
Сенингдек паст, ношукурлар ҳеч қаерда кутилмассан.

Қувилдинг барча элдан ҳам дарбадар кездингу, аммо,
Келиб кўрдинг-ку, бу юртдан ҳеч бир омон кетолмассан.

Бас энди, авф айлади давлат, кўриб анчайин тадбир,
Ўзингдан кўр, адолат қонунин сен рад этолмассан.

Ўтмишга тош отдингу, йўлиқдинг халқим нафратига,
Навоийдек мутафаккир, муршиддан ажратолмассан.

Динни ниқоб қилиб олиб, жар соласан оламаро,
Ҳайф сенга илми Ислом, дўзахи сен билолмассан.

Чекиб афсуси надомат, ёзди шеърни Муҳаммад,
«Жиҳот» истаб, сенлар ўзинг қўйгани жой тополмассан!

## БЎЛОЛМАССАН

Саxийлик қилган билан Ҳотами Той бўлолмассан,
Жабр айлаб жонга нодон, чирапма бой бўлолмассан.

Тарҳини чизган билан, воҳ, бўлмаса сенда қувват,
Пахсали бу уйингга старли лой бўлолмассан.

Ташна бўлган туяга чўмичлаб сув берган каби,
Ер очиб ғарқоб мисли қилувчи сой бўлолмассан.

Ўйладинг, эл олдида бир маърака айлаб чунон,
Доңқозон қурган билан остида мой бўлолмассан.

Югурдинг, бас, ҳаётда доим зиёга интилиб,
Бир даме турган билан яхтида ой бўлолмассан.

Кўп чучук сўздан иборат бир неча мисра тузиб,
Гўзал деб юр, Муҳаммад, Юсуфчирой бўлолмассан.

## ИСТАРАМ

Истарам бўлса хунук ҳам гўзал ёр истарам,
Борлиғим тиканзору кўнгил гулзор истарам.

Йўқса давлат, молу пул, зару зевардин дарак,
Бўлмаса ҳам эътибор, зўр эътибор истарам.

Кексайиб, умрим охир лойиқи ёр топмадим,
Аҳволим афтода, лек дилдор истарам.

Мўралар кўз, нури кам, ойнак доимий ҳамроҳ,
Кўнгли-ю кўзи равшан бир зиёкор истарам.

*Тишларим охирлади, сохтаси бермас қувват,*
Оёқу белга малҳамдек шифокор истарам.

То тирикман бандалик шукрини бажо айлай,
Охират тадоругин фарзи даркор истарам.

Нолима, бас қил Муҳаммад, сен кабилар лак-лак,
«Қулим» деб бергай охир, уни бисёр истарам.

## НАВОИЙ ВИЛОЯТИМ

Мир Алишер истаган юрт Навоий вилоятим,
Минг фахримсан ҳам бахтимсан, ғурурим саодатим.

Келажаги буюк Давлат таянчию қувончи,
Ер остида заҳира мўл, Оллоҳдан иноятим.

Вилоятнинг учта шаҳар, саккизта тумани бор,
Кўп миллатли аҳил халқи, тинчликда фароғатим.

Маърифату маънавият, равнақ топди қадрият,
Мактаб, олийгоҳ, масжид, мажлис раводир роҳатим.

Қатор азиз авлиёлар, зиёратгоҳ, қадамжой,
Тавоф айлаб ҳар бирини ижобатдир ҳожатим.

Аҳли ишчи меҳнатсевар, маҳсулоти олий нав,
Ширин-шарбат мевалари тилларда ривоятим.

Қадоқ қўлли деҳқон бобо меҳнат қилар тер тўкиб,
Чорва, пилла, пахтасию ғалласи шафоатим.

Ўлкамнинг равнақига машъал бўлган юлдуз каби,
Порламоқда, Муҳаммад дер бу менинг ориятим.

## СИҲАТ-САЛОМАТЛИК ЙИЛИ

***(нома йўлида)***

**Ассалому алайкумни тинглайсан бод-бод,**
**Сенга сиҳат-саломатлик тилайди ул зот.**

**Инсон саломатлиги деб, берилди урғу,**
**Элу юртнинг бойлиги бу, бу эски туйғу.**

**Таним сиҳат бўлсин десанг ниятинг пок қил,**
**Ўзинг поку, сўзинг поку, димоғинг чоқ қил.**

**Уй, рўзғоринг тозалиги ниҳоят зарур,**
**Зилолдек соф хонадонда юргин-да мағрур.**

**Соғлигинг бу бойлигинг, соғлом танда соғ ақл,**
**Сиҳат тиласанг кўп ема нақлга амал қил.**

**Ҳовлингдан чиқ, кўчага боқ, маҳаллада юр,**
**Қўни-қўшнинг соғлигини доим сўраб тур.**

**Саломатлик тозалиқла эш бир тушунча,**
**Шу боиски, табобатга эътибор шунча.**

**Ибн-Сино авлодлари миллат, юрт фахри,**
**Холис хизмат шиоридир элнинг дил баҳри.**

**Табиб, ҳис эт бурчинг беморга бериб матлаб,**
**Агарки, нуроний, қиз-йигит шифоталаб.**

**Инсон тан сиҳати — давлатим сиёсати,**
**Барчага соғлик тилар Муҳаммад баёти.**

## АССАЛОМ, НАВРЎЗ

Ассалом Наврўзи олам,
Қувончлар олиб келдинг.

Аждодларимиз истагин,
Бағрингга босиб келдинг.

Сени кўп камситганлардан,
Доимо ғолиб келдинг.

Ошкор, хуфён ғанимларга,
Қовоғинг солиб келдинг.

Энди биз мустақил, деб Сен,
Меҳнатда толиб келдинг.

Охир бу интиқомда
Сен Наврўз ғолиб келдинг!

## СОҒИНДИМ

*(Халқ оғзаки ижоди йўлида)*

Сен нигорим мен ғарибни найладинг?
Эс-ҳушимни ерман яксон айладинг,
Нечун билмам мени олдин сайладинг,
Юракдаги хуморимни соғиндим.

Кўрмаганим бутун бўлди беш кунлар,
Хаёлимда сен дилдорим кун-тунлар,
Ярим кўнглим муҳаббатла бутунлар,
Қалбимдаги туморимни соғиндим.

Аввалига кўрсатиб нашу намо,
Калимамдир тилда номинг доимо,
Мен севаман, - деб, қилурсан сен даъво,
Ишқингда ёр беморингман, соғиндим.

# ФАРДЛАР

*Фард дегани, дард дегани,*
*инсон дарди у,*
*Бир бинд шеърда аён бўлди*
*мазмун асли шу.*



* * *

Қудуқ қазма игна билан нокасга,
Баробар бўлмайди оддий бир хасга.

* * *

Яхшилик билмаган кимса чаёндир,
Заҳар солиш касби ани аёндир.

* * *

Гавҳарни на билсин ушлаган сопол,
Заргар бошқаю, бошқадир кулол.

* * *

Пул, буюм, молу давлат ҳирс этдинг,
Одамийлик сендан йироқ — терс этдинг.

* * *

Калтак билан қувмас киши бахтини,
Жоҳил қувар бахтинию тахтини.

* * *

Пул савдоси тушди кимса бошига,
Разилликла заҳар солди ошига.

* * *

Билки инсон пок экан — биринчи хислат,
Ундан йироқ доимо ҳасад ва туҳмат.

* * *

Кўнглингда маҳкамдир ҳалоллик тугун,
Тилингдир ҳамиша, ҳар жойда узун.

* * *

Жон дўстингдан сир яширдинг,
Кулфатни бошингга оширдинг.

* * *

Тил ўргатди ёлғонга киши,
Қурби қолмас, разиллик иши.

* * *

Бўлмай десанг ишончсиз,
Алдама бировни шаксиз.

* * *

Иштил меъёрида бўлсин ҳар бир иш,
Меъёридан ошса, билки мурдормиш.

* * *

Бор шоирки, қанча ўйлаб ёзди фард.
Изҳор қилди унда юракдаги дард.

* * *

Кексаларни эъзозла қилиб ҳамият,
Яқин қолди сенга ҳам келади навбат.

* * *

Эй йигит, илм, ҳунар бўлса қўлингда,
Дар қолмайсан, ҳаётингда, йўлингда.

* * *

Сен шайдо бўл, севгин айлабон шитоб,
Садоқатли дўст у китобдир, китоб.

* * *

Халқ билан бўл, бўлма ундан йироқда,
Йироқ бўлсанг, кунинг ўтар фироқда.

* * *

Фарзанднинг бори яхши,
Улар ҳаётнинг нақши.

* * *

Бўлса давлату мол — кучсан,
Йўқса зардан вақо — пучсан.

* * *

Фард дегани, дард дегани,
инсон дарди у,
Бир банд шеърда аён бўлди,
мазмун асли шу.

* * *

«Биргина туз еган ерда қирқ салом»,
Жоиздир, хуш таъб, феълу ширин калом.

* * *

Нақл борки, «Иззат тиласанг кўп дема»,
Кўп гапириб охирида панд ема.

* * *

Мақол бор: «Сиҳат тиласанг кўп ема»,
Юк ҳам оғир бўлса, кўтармас кема.

* * *

«Кам хўру доим хўр» тожик мақоли,
Ҳар ким есун, ўзига маълум ҳоли.

* * *

«Аввал ўйла, кейин сўзла» нақли бор,
Хом гапириб сўнгида чекма озор.

* * *

«Қилни қирқ ёради» билимдон фарзанд,
У шу Ватанда уламо, олим, дўст, дилбанд.

* * *

«Олтин занглпмас» ҳам булғанса лойга,
Қадрият ҳусн очди, «ювилиб сойга».

* * *

Инсонга юрак кўзи билан меҳр ёқ,
Ҳаётга разм солу бўл меҳрибонроқ.

* * *

Ёғ кўрса яхши дори таом таъмлидир,
Йўқотиш ёмон дори салом ғамлидир.

* * *

Одам қувонади кўрса яхши туш,
Руҳига қуввату танининг нақши туш.

* * *

Исроф қилма борингни, таомингни,
Эҳтиёт қил, айтар сўз, каломингни.

* * *

Сир сақлаш яхши хислат,
Сир билиш ҳам фазилат.

# ТЎРТЛИКЛАР

*Тўртлик хуш эрур, тўрт шарти бор,*
*Мазмуни бир олам, мезон ёр,*
*Уч қофия ё радиф бўлсин,*
*Бўғин тенг келсин, мисра-қатор.*



* * *

Хулқи одоб, илму амал сенга ёр бўлсин,
Доимо олға интил, синчковлик бисёр бўлсин,
Ҳаёт майда-чуйдаларини ортиқ деб ўйлама,
Ўқи, кузат натижа омилкор бўлсин.

* * *

Юрагимдан ўрин олиб ишқ ўтини ёққан сен,
Хумор қилиб кўзларингни ерга қараб боққан сен,
— Ҳаётимда Сизни севдим, унутмайман ҳеч қачон,
Дебон, тунда хайрлашиб уйинг томон оққан сен.

* * *

Пирпираган киприкларинг найза каби,
Тўс қора ул кўзларингга посбон экан,
Хумор билан боққанимда суқланиб мен,
Найза тиғин юрагимга босган экан.

* * *

Ажаб, қизиқ инсоннинг умри,
Қисқа, аммо жуда кўп ғурбат.
Оразинг сўнур, кўринмас нури,
Рўзғор, дея қилурсан меҳнат.

* * *

Бевафолар кўпдир жаҳонда,
Ситам, жабру жафодир иши,
Ишқ аталмиш оташ юракда,
Кул қиладир жисмин зўр киши.

* * *

Билмадим бу йўлда мендек ҳамма ҳам бийронами?
Вафодор бир ёр тополмай кўзлари гирёнами?
Бир умр ҳамсуҳбату, бир маслак излаб ёнами?
Сўрсангиз афтода ҳолни сир тутиб у тонами?

* * *

Огоҳ бўлки, дам яқин, фурсат яқин,
Танти бўл, топшир омонат қасрини.
Йиғ улоқтир, стар дсб ҳаёт завқин,
Кетгунг охир кўрсанг ҳам Нўҳ асрини.

* * *

Сўз гавҳарин теринг, сопол аралашмасин,
Заргар ўз ўрнида, кулол аралашмасин.
Гапларингиз мергансимон нишонга тегсин,
Маъни мушкул бўлса, бесҳол аралашмасин.

* * *

Уламолардан бизга ўгит зўр мерос,
Келди, Темур ҳам айлади унга ихлос:
— Кам ухла, кам егин, кам гапир шартини,
*Бажардию мушкуллардан бўлди халос.*

* * *

Мен кўп ёзган билан сен мухтасар қил,
*Оз гапириб, кўп маънони бера бил,*
Сўз билан юртувчи ушбу бозорда,
Ширинсўз бўл, чиройингни очар тил.

* * *

Тий тилингни, тилингни тий, тилингни,
Ҳар кимга ҳам очаверма дилингни,
Файласуфдек илминг бўлса мабодо,
Кам гапиргин билинтирма билмингни.

* * *

Йиғинда гапирсанг тўтиқуш бўлма,
Кераксиз, такрорга ўрин ҳам берма,
Албатта, сўзингда бир янгилик айт,
Чайналган, қочирим гаплардан терма.

* * *

Яхшилик қил, яхшиликни яхши бил,
Оддийгина шундай сўзга амал қил.
Савол бергин, нега келдинг, кетасан,
Олд-ортингга боққил, яхшига интил.

* * *

Инсонда бор яхшилик билан жаҳл оти,
Минади, фарқига бормай одам зоти.
Шайтонга-ку ҳай бермай, бундай кишилар,
Оқибат, хатоси-ла синар қаноти.

* * *

Бир камини тўлдираман деб инсон,
Югуради, бир умр хафаю шодон.
Бир кам деган-ку аслида уни,
Сендан ҳам қолгуси бири кам, нодон.

* * *

Гуноҳ қилиб кечирим сўраш,
Дейдилар, ақлли одам иши.
Яна ҳам оқилроқ саналар албат,
Қилмай юрса гуноҳни киши.

* * *

Инсон ўзи тенгсиз доно мавжудод,
Кашфиёти лол қолдирар, худодод.
Нима учун масалларда ҳайвонлар,
Одамларга ибрат қилинур бот-бот?

* * *

Охурга солдилар қовун пўчоқ тозасин,
Деб, эшак орасталаб, ҳузур қилиб еsин.
Эшакда у, эшаклигин қилиб намоён,
Титкилаб, тупроққа булғаб еди, қани ортсин.

* * *

Байрам, тўйларда топганини бериб, қутлаб,
Фарзандлари кўнглин хушнуд этган отадир.
Уларни деб, ғамини еб, камларин бутлаб,
Сўнг, қуруқ табрикка ҳам зор бўлса ботадир.

* * *

Бизда одат: ўтганларни буюкликка кўтариш,
Ажаб одат, шундай қилиш, эъзозлаш савобли иш.
Аммо улуғлаш, қадрлашни тирикликда кўрмаса,
Минг бор яхши бу ҳаётда туғилмаса, ўлмаса!

* * *

Мурувват кўрсатиш ҳадисий одат,
Бу яхши одату ҳам зўр саодат,
Аммо, мурувватчи — инсон-ку ўзи,
У ҳам муҳтож, мурувват кутар кўзи.

* * *

Ота ўғилдан оқил гап эшитган ҳамон,
Ғурурдан кўнгли тоғ, эслаб хурсанддир чунон,
Таажжуб, фарзанд дилга, қулоққа илмади,
Отанинг панд-гавҳар, кароматин билмади.

* * *

У ким эди, кўп гапирди, кимдир оз,
Оз сўзласа ҳам, маъноли, жуда соз,
Сўз танлашда сахийликка ҳожат йўқ,
Мантиқ кучли бўлсин, гапи сарафроз.

* * *

Сўзларинг дилозор бўлмасин асло,
Тинглаб сени кўнгли сўлмасин асло.
Эшитганлар такрор истаги бўлсин,
Давомли бор сабри тўлмасин асло.

* * *

«Ўзингдан улуғларга салом бермагин»,
Дейувчи бирор ота борми бу юртда.
Гар шоир бўлсанг майда гапни термагин,
Нолима, парваришсиз қурийди бута.

* * *

Асабга зўр берсанг кемирар тананг,
Назардан қоласан, ҳолинг бўлар танг,
Асабни кўзғама, йўлим тўғри деб,
Куладилар, қанчадан-қанча «наҳанг».

* * *

Ҳаётда нималар бўлмайди дейсан,
Ҳеч хатога йўл қўйма, бўлади кеч.
Бир ишни «дўндириб» қўяйин деб сан,
Қўяман деб қош ҳам кўз чиқарма ҳеч.

* * *

Дунёда зўр азоб бор.
Шундан бир хабар билдир.
Узоқ, кекса ҳаётнинг,
Ҳар бир куни бир йилдир.

* * *

Тўртлик хуш эрур, тўрт шарти бор,
Мазмуни бир олам, мезон ёр,
Уч қофия ё радиф бўлсин,
Бўғин тенг келсин, мисра-қатор.

* * *

Нолима, аҳволим оғир деб фақат,
Тақдирдан тилама ҳеч бир ҳам шафқат,
Ҳаракат қил, изланн, интил жасорат,
Сенга ёр бўлсину қил ҳалол меҳнат.

* * *

Меҳнатсиз йиғилган дунёдан кўра,
Тер тўкиб топилган ярим нон ҳалол,
Кеккайиб юргандан ном олиб — «тўра»
Пок одам десунлар, аълодир бу ҳол.

* * *

Бир ошнам тўй қилди, бичимлик, тотлик,
Чорлади маҳалла, қуда, дўстларин,
Ош тортди, ҳаммага, ичимлик, шодлик,
Улашди, тўғрилаб каму кўстларин.

* * *

Бир ошнам тўй қилди, жўшқин, дабдаба,
Тошкентдан чорлади санъаткорларни,
Энди ким ўзарга тўю тантана
Томоша қилинг бу кирдикорларни.

* * *

Элда яхши нақл бор, — элдан чиқманг, — дер,
Бу чуқур маъноли сўзда ҳикмат бор,
Тўй ва ҳашамларни оддий қилсин-эр,
Оддий халққа ош берганда ҳиммат бор.

# *ТУЮҚЛАР*

*Шеъриятда ажиб бир йўл бор экан,*
*Шоир ўзин синамоққа зор экан,*
*Шакли бир хил сўзлардан туюқ битиб,*
*Шеърлар ёзиб, ўзи хокисор экан.*



* * *

Садоқатга ҳам енгту, ҳам ёқаман,
Гўзалга гоҳ нордон, лек ёқаман,
Севгилимга йигирмада боғланиб,
Ҳанузгача ишқ ўтини ёқаман.

* * *

Давр ғанимат ёр билан ўйнаб-кулинг,
Пайтин топиб ағёрдин доим кулинг,
Кун-тунларинг хушнуд қил, умрингни чўз,
Қадрига етгил, совриласдан кулинг.

* * *

Жонга ҳузур сариғ ёғдан қатлама,
Юрагинг сен ғусса-доғдан қатлама.
Ўқи ҳар сатрин бу олам китобин,
Варақ асра, тоғу боғдан қатлама.

* * *

Ўлкамиздир серқуёшу катта ер,
Қилмади меҳнат кимса дакки ер.
Эҳтиромин топди ҳар қандай киши,
Тер тўкиб, роҳатда-ю ҳам катта ер.

* * *

Садаф, ёқут, фируза сенга зебо тугма,
Дўст деб ағёр-ла зинҳор аҳду вафо тугма.
Сени истаб зорман, ҳанузам интизорман,
Умид зўр, старман, кўнгилда нидо, тугма!

* * *

Ватан кўрки учун жон куйдириб ўт,
Зиё тарқат, машъалдек тўлдириб ўт.
Ҳавас бирлан боқсин эл хизматингга,
Гулла, бурка диёринг, кўндириб ўт.

* * *

Васлинг олиш айтиб кўнглим ёзаман,
Достонимга завқла варақ ёзаман.
Писанд бўлмай сенга ҳамма битигим,
Яна янги ғазал, чистон ёзаман.

* * *

Ҳажрида ичган бу май дил ёзмади,
Номаларга бир жавоб ҳам ёзмади.
Ёш эдим ишқ қуши учган замон,
Давр ўтиб кўнглим келиб бир ёзмади.

* * *

Оқизди жафокаш кўзимнинг ёшини,
Ҳақдан тиларман кўрай деб юз ёшини.
Умр бергин бахти билан ё Қодир Оллоҳ,
Асра уни кексаю ҳам ёшини.

* * *

Букмади қаддимни ғам, ё қилмади,
Ишқ ўти зарбидан тан ёқилмади.
То ҳануз жабридан мен тўлғонаман,
Раҳм қилди париваш, ё қилмади.

* * *

Чин дўстингга ёпма, доим эшик оч,
Ёз дастурхон унга тўқми ёхуд оч.
Суҳбатингни дилкаш айла даврада,
Сезмасин зафарми рангинг ёки оч.

* * *

Боғимда асрайман булбул, каклик, соч,
Шулар деб оқарди соқол, бошда соч.
Шеъримга илҳом берувчи қушлар,
Деди дўст: шулар учун ерга уруғ соч.

* * *

Инсон хизматидан қолдиради от,
Нақл айтилур элда: ёмонликни от.
Хосиятли экан туғилган замон,
Фарзандларга қўйилса мўътабар от.

* * *

Бироқ нигоҳ ташладию кўрсатди юз,
Чевар экан ваъдаларни қилди юз.
Этмайин ор, мен сизни севдим десам,
Бор экан майдонда одам икки юз.

* * *

Дўст бўлсанг ҳолим сўраб кел қошима,
Гард юққани йўл бермагин қошима.
Кечолмасанг дўстинг учун жонингдан,
Афсусланиб охир бошинг қошима.

* * *

Уздим боғимдан қип-қизил олма,
Гўзалга қалб қўрила дедим ол, ма.
Куйганман, гардишнинг кирдикоридан,
Агёр деди, унга: йўқ ундан олма.

* * *

Биласиз, кўп ичилган май, на қилгай,
Эл кўриб ани доим майна қилгай.
Фойдасиз ишнинг машғули бўлма ки,
Ундайлар укки, қарға, майна қилгай.

* * *

Интизорман, келмади жонон бу тун,
Зулмидан жисмимда жой йўқ бутун.
Севгилимга етарманми деб охир,
Хазон бўлди жабридан умрим бугун.

* * *

Шеъриятда ажиб бир йўл бор экан,
Шоир ўзин синамоққа зор экан,
Шакли бир хил сўзлардан туюқ битиб,
Шеърлар ёзиб, ўзи хокисор экан.

* * *

Яқининг-ла баҳам кўр, роҳати жон тут,
Дўстларга одил бўл, иззатли меҳмон тут,
Алломага изн беру эъзозла уни,
Пирим деб хизмат қил, эътибор чандон тут.

* * *

Жонон бўлса ағёрга ҳеч боқмасин кўз,
Вафодор у гўзалга ҳеч тегмасин кўз,
Унга атаб дил тўридан қасрни қурса,
Ошик, ромин тахтасида бўлмасин кўз.

# *МУСАДДАСЛАР*

*Арузнинг жилоли йўллари кўп,*
*Мисралар равон, маъни жуда хўп,*
*Қаторлар олтию ўзи бир тўп,*
*Завқ олгин, истасанг сўзларин ўп,*
*Шеърият амалдир, рахланган чўп,*
*Хирмондир, хўп билан ҳайдалган кўп.*



## МЕНИНГ МАКТАБИМ

Бу катта давра менинг мактабим,
Ҳудуд кенг дойра менинг мактабим.
Сен булбул — сайра менинг мактабим,
Қизлар шоира менинг мактабим.
Ҳурликда яйра менинг мактабим,
Баралла янгра — менинг мактабим.

Барчани хушнуд қаратган сенсан,
Комил инсонни яратган сенсан.
Карминада донг таратган сенсан,
Ёшларни завқли сайратган сенсан.
Ҳурликда яйра менинг мактабим,
Баралла янгра — менинг мактабим.

Тарих — саксон йил, бўлинг сиз огоҳ,
Илм хазинаси катта бир даргоҳ,
Йўлингиз тушиб ўтсангиз ногоҳ,
Мен билан бўлинг доимо ҳамроҳ,
Ҳурликда яйра менинг мактабим.
Баралла янгра — менинг мактабим.

Мактаб жисмию жони муаллим,
Муқаддас даргоҳ хони муаллим.
Бархаёт доим қони муаллим,
Ўқувчи фахри, шони муаллим.
Ҳурликда яйра менинг мактабим,
Баралла янгра — менинг мактабим.

Олийгоҳга йўл олган йигит-қиз,
Фахримиз, минглаб бўлган муҳандис,
Файласуф, шоиру мутахассис,
Олимлар қолдирди тарихга из,
Муҳаммад — яйра менинг мактабим,
Баралла янгра — менинг мактабим.

## МАҲАЛЛАМ МЕНИНГ

«Деҳқон» ном маҳаллам бор,
Мадҳин қилайин изҳор,
Иноқ ҳамма дўсту ёр,
У қадимдан барқарор,
Маҳаллам жоним менинг,
Маҳаллам шоним менинг.

Қариялар фахримиз,
Ғаниматy нақдимиз,
Улар борки, бахтимиз,
Бошга тож ҳам тахтимиз,
Маҳаллам жоним менинг,
Маҳаллам шоним менинг.

Элнинг тўй-томошаси,
Қариндошу ошнаси,
Маърифату рўшноси,
Барчасига пешвоси,
Маҳаллам жоним менинг,
Маҳаллам шоним менинг.

Тарбияту табобат,
Ободонлик, саховат,
Савдою ҳам рақобат,
Ҳаммасига ҳимоят,
Маҳаллам жоним менинг,
Маҳаллам шоним менинг.

Қурилса битта бозор,
Равон йўл, ҳаммом даркор,
Ёшлар оромгоҳга зор,
Ўсишса чекмай озор,
Маҳаллам жоним менинг,
Маҳаллам шоним менинг.

Гавжум доим маҳалла,
Йиғин бор оқшом палла,
Фаоллардир биргала,
Муҳаммад жой эгалла,
Маҳаллам жоним менинг,
Маҳаллам шоним менинг.

## БАРЧАМИЗ МЕҲМОН

Эй, дўст, дилкаш, меҳрибон,
Ўзинг менга қадрдон,
Ҳаётда ярат имкон,
Умринг бўлмайин хазон,
Сенсан шу боғда боғбон,
Турмушни ўтказ шодон.

Таъмагирлик қилма ҳеч,
Ёлғон ваъдалардан кеч,
Айрим қовун мағзи берч,
Ёмонлик илдизин керч,
Шу куйи сенда иймон
Мустаҳкам бўлгай обдон.

Порахўрдан нари тур,
Яқин келса гапни бур,
Нафсни ҳар куни бир ур,
Ҳақиқатнинг йўли нур,
Интил, сургину даврон,
Юртда барчамиз меҳмон.

Бебурдлик ёмон касал,
Латта кесмас, бор масал,
Шиддатга берма пайсал,
Ривожда ишинг асал,
Бўлғуси, омад тез он,
Барча юмушинг зебон.

Юлғичликдан сақласин,
Тавқи лаънат тақмасин,
Доим йўлинг оқласин,
Оллоҳ ўзи ёқласин,
Қилиб тур хайру эҳсон,
Бергай ўзи юз чандон.

Иллатлар кўп ҳаётда,
Қаллоб, каззоб, безбетда,
Судхўр ҳам бир нажотда,
Қораланур баётда,
Муҳаммад кулар хандон,
Уни кечирсин раҳмон!

# *МУСТАҲЗОДЛАР*

*Сен менинг бахту баҳорим*
*ҳам гулистоним Ватан,*
*қиёсингни ҳеч кўрмадим жаҳонда.*
*Каъбамсан, маккам, мадинам*
*нурли бўстоним Ватан.*
*абадият яшагин сен омонда.*



# АСЛ МУДДАО

Бу ҳусну иффатинга лол қолур олам бутун,
аслида ўзим шайдо.
Ишқ оташи юракда аланга олар тутун,
муҳаббатинг дилга жо.

Сенсиз қарорим йўқдур, на ихтиёрим менда,
эй, дилбари жононим.

Номинг тилда ояту шеъримда ҳижо, рукун,
Мен Мажнунинг сен Лайло.

Илҳом париси ўзинг кўнгилда анъор тугун,
бўлмагин сен бепарво.

Шунчалар мушкулми, жонон, васлингга етмаклик,
токай бу интизорлик.

Кош десангчи: «равшан айлай оиёнингни шу тун»,
дер эдим: — гўзал, доно.
Нола айларман тун, кун кўнглинга солса раҳм,
яратганга зорланиб,

Илтижом бўлса ижобат кулбама ёр келсун,
ҳолатим бўлар аъло.

То ҳануз бу хаста Муҳаммад ҳажрида зорман,
умидвори жаҳонман.
Келар охир, мени ол деб кийиб зарриш, гулгун,
ҳосилдир асл муддао.

## ЎЗБЕКИСТОНИМ

Шу гўзал ўлка менинг жону жаҳоним,
Сенсан худованди ато.
Бундаги қайнар ҳаёт томирда қоним,
севдим диёр, қилмам хато.

Тоғу боғ, гулгун экинзор, хуш манзара,
таърифингга сўз етишмас,
Кокилингдир Амую Сир, Зарафшоним,
кавсар суви, гавҳар мато.

Ширин шарбат меваларинг оламда йўқ,
қилур жаннатла рақобат,
Ер бойлиги нефту олтин шараф-шоним,
юртим, фахрим ўзинг аъло.

Ҳалол меҳнат билан эл банд, эрк завқила,
истиқлолим шарофати.
Танга роҳат, шу боисдан, буғдой ноним,
билак кучим шудир маъно.

Муҳаммадга саждагоҳ, севимли диёр,
халқим, элим дебон юрдим.
Ватаним, меҳрибоним, Ўзбекистоним,
бор ҳаётим сенга фидо.

**МУДДАО**

Эй пари васлингни излаб ёнаман,
куйингда зорман шайдо.
Қайда бўлмай номинг айтиб қонаман,
доим йўлингда пайдо.

Дош беролмай ишқ азобига бу кун,
не кечар ҳолим менинг.
*Жон ғамақда, давосиз афтодаман*,
эй, раҳми йўқ бепарво.

Нолалар қилдимки ҳаргиз билмадинг,
уволимга қолурсан.
Борлигимдан шу боис ҳам тонаман,
девонаман ҳам расво.

Не жафолар бор яна бу бошима,
кўрмаган жоним менинг.
Унга қарши мард бўлиб мен бораман,
бўлса у тухми анқо.

Ё келарсан «аҳволинг не кечди», деб,
кўзим интизор сенга.
Севгиси ҳақ камина бир донаман,
тақдир азал шу савдо.

Раҳм қил келгил ўзим оғушима,
дардимдан фориғ айла.
Бу кулбам равшан ўлсун, ғамхонаман,
Муҳаммадга муддао.

## ВОВАЙЛО

Илҳом париси ўзинг, бунча нозокат,
кел, гўзалим ҳурлиқо,
Қадди бастинг сеҳриму эй, пари талъат,
Ҳолимни кўр маҳлиқо.

Тунлари тўлғонаман истаб васлингни,
Фақат сенсан тилагим,
Ҳар соату сония кутаман шавқат,
Борми ё ўзга шайдо.

Ишқ азобин чеки йўқ, кимга арз этай?
Яратгандан сўрадим,
Ўзга йўлим йўқ, Оллоҳ, қилгин шафоат,
Бер кўнгилга тасанно.

Сеҳри дилда, меҳри хандон, ул мафтункор,
Халоскорми, исёнкор?
Келсин, дебон ҳамиша қилдим ибодат,
Ундан чиқмади садо.

Фиғоним фалакка етди, ул моҳ билмас,
Фарёдим унга етмас,
Инграбон титрар бадан кўрсат каромат,
Дейинми ё алвидо?

Худоё, такя қилдим, ўзинг раҳм айла,
Шоядки, кўнглим олса,
Номусулмон бўлсанг ҳам, қил бир зиёрат,
Халқ айласин томошо.

Айт, яна қанча хуноб бўлсин Муҳаммад?
Оламга қулги бўлиб,
Машҳардами кутайин сендан шаҳодат?
Ёлғиз қолдим, вовайло!

## ЗАР Ё ЗЎР

Асли дардимни айтай, биргина кел, ўзинг кўр,
Ё манзилинг йироқми?
Давоси йўқ мен нетай, шунчалар пешонам шўр,
Дардим битмас булоқми?

Ё Аюб пайғамбардек танам жароҳатидан,
Қуртлар пайдо бўлсинми?
Оғриққа бардош этай, ёнимда бўл, аҳвол сўр,
Гавдам қуруқ таёқми?

Дардлар кўпдир дунёда, менинг дардим, ишқ дарди,
Унинг давоси сен-да,
Азобни пинҳон тутай, ўзим сабаб, ўзим ўр,
Гап уқмаган тўқмоқми?

Юсуф каби Зулайҳо чекан заҳматин кўргин,
Минг йилларга тотувлик.
Мен ҳам достоним битай, уларники бўлсин қўр,
Шу кўрсаткич чироқми?

Чор афзолим чоқ эди, мени қилдинг гирифтор,
То ҳануз девонаман.
Андуҳим ичга ютай, донишу айтди: ўзинг кўр,
Зое юрган сайёқми?

Ошиқнинг лойи бошқа, юракда дарди қат-қат,
Менинг иложим канча?
Бу йўлдан нечун қайтай сайёднинг қўлида тўр,
Етиб бўлмас сўқмоқми?

Фарёд деб жаҳон кездинг, Муҳаммад сабринг қани?
Ёнига ўтир йиғлаб,
Айтмагин, ҳаргиз, кетай, иш берар зар ёки зўр,
Берган умри узоқми?

# МУСОВИ ТАРАФАЙНЛАР

*Тўрт катакда тўрт мисра шеър,*
*Мисралар катакларда дер,*
*Мазмун кучли бўлса анга,*
*Ўзинг ўйла, топ ўқийбер.*

## ВАТАН МАДҲИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ўзбекистон | масканим | она юртим | жонажонсан |
| Масканим | жаннатмакон | саждагоҳим | меҳрибонсан |
| Она юртим | саждагоҳим | Қалбамсан | дил қувватим |
| Жонажонсан | меҳрибонсан | дил қувватим | посбонсан |

## *ИСТИҚЛОЛ ҒУРУРИ*

| | | | |
|---|---|---|---|
| Мустақил | юртимки, сен | ҳам ғуририм | ифтихорим |
| Юртимки, | сен шуурим | навбаҳорим | номус-орим |
| Ҳам ғуририм | навбаҳорим | дилда борим | мадорим |
| Ифтихорим | номус-орим | мадорим | барқарорим |

## ЮРТИМ ФАХРИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ватанимсан | кўз қароғим | фахримсан | юрагимсан |
| Кўз қароғим | дил чароғим | ифтихор | истагимсан |
| Фахримсан | ифтихор | йўқ-ку такроринг | гўзал ўлкам |
| Юрагимсан | истагимсан | гўзал ўлкам | тилагимсан |

## ТАСАВВУФ ЙЎЛИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Эгалласин | бандаси | динда | шариат |
| Бандаси | муқаддас деб | билсин | тариқат |
| Динда | билсин | мўътабардир | маърифат |
| Шариат | Тариқат | Маърифат | Ҳақиқат |

## ҲАЁТ ЛАЗЗАТИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ҳаёт | кўриб | ўқидиму | билмадим |
| Кўриб | жабрин | лаззатини | кўрмадим |
| Ўқидиму | лаззатини | тортмай | кетдим |
| Билмадим | кўрмадим | кетдим | турмадим |

## ВАСЛ ЖАФОСИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Жафо | кўрдим | буслингни деб | гулрухсор |
| Кўрдим | зулминг | азобладинг | эй беор |
| Васлингни деб | азобладинг | тамом | бўлдим |
| Гулрухсор | эй беор | бўлдим | хокисор |

## МАМЛАКАТ ПОСБОНИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Елкасига | тоғ кўтарган | мамлакатнинг | осмони |
| Тоғ кўтарган | йўлбошчининг | ишончлидир | посбони |
| Мамлакатнинг | ишончлидир | бирдам халқи | мустаҳкам |
| Осмони | посбони | мустаҳкам | динию иймони |

## ҲУНАРНИНГ ХОСИЯТИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ватанимсан | кўз қароғим | фахримсан | юрагимсан |
| Ҳаётда | зор бўлмаслик | калити | ҳунардир |
| Зор бўлмаслик | Мезони | билсанг зар | унардир |
| Калити | билсанг зар | меҳнату, | бардош қилсанг |
| Ҳунардир | Унардир | бардош қилсанг | берардир |

## ТАНТИЛИК ШАРОФАТИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Тарозидан | урмагин | чексиз гувоҳ | қилурсан |
| Урмагин | ўзга ризқин | бордир жазо | билурсан |
| Чексиз-гуноҳ | бордир жазо | асл қазо | ё Оллоҳ |
| Қилурсан | билурсан | ё Оллоҳ | бордирсан |

## ОТА-ОНАНИНГ ҲУРМАТИ

| | | | |
|---|---|---|---|
| Ўзингга | ҳамма | ота-онангни | ҳурмати |
| Ҳамма | қадрини | англасанг улар | нияти |
| Ота-онангни | англасанг улар | сен деб | яшади |
| Ҳурмати | нияти | яшади | ҳақ бсминнати |

## ТОЖИКИСТОНЛИК ЎЙМАКОР ҲОЖИ АЛИ ЯҲЁЕВГА

| | | | |
|---|---|---|---|
| Истаравшан | ғурурисан | фахрисан | фарзандисан |
| Ғурурисан | тожигиманинг | безаги | санъатисан |
| Фахрисан | безаги | жаннатмаконда | сен кандакор |
| Фарзандисан | санъатисан | кандакор | дилбандисан |

# МУЛАММАЪ

## ИСТАРАВШАННИ СОҒИНИБ

Истаравшан нур-афшону Зарафшонам зар-афшон,
Мен сени бўстон деб айтсам, Ўзбекистон гулистон.

Ўратепа шаҳри жаҳон, пур меҳру баланд номдор,
Бу азиз юрт аҳлининг афсонавий ўтмиши бор.

Чан сад асру чан ҳазор сол қоматад оламингоҳ,
Юзга Фирдавсийга кўпдир тарихинг лавҳи ногоҳ.

Ба ду забон ган мезананд, бародари як миллат,
Бу гўзал юртнинг азиз фарзандлари Рустам сифат.

Меҳмоннавоз, ёру дўсту рафту омад шоҳоний,
Касбу кори, илми отаи, қадриятлар қадимий.

Орзумандам, ширу шарбат, меваҳойи жаннати,
Тасанно, эй, биродар, бу халқининг зўр меҳнати.

Ўратепа жойи жаннат, баҳавойи нури нур,
Мен туғилган Карминаки, бутун оламга машҳур.

Дил баланд, сўйи жаннат, аники равон равҳаракам,
Мен отам юртига ҳар гал соғиниб қўйсам қадам.

Аз дер наздик омадиям чун меҳри ёрон дийдор,
Навоий вилоятдан каминаман ўзим хоксор.

Узри зори дорад Муҳаммад савфи анорагш,
Кўрмабсиз Ўратепани, кам юракни тарашлаш.

* * *

Умид дорамки, кори Ғофуржонбой давом дорад,
«Меҳр кӯзда» уруғин Умиджон доимо корад.
Илоҳо баркамол шав, аз офатҳо нигодорад,
Дилимсан, юрагим, мен эрсам қаторда норад.
Жамин хеш-табор, тўйи домоги туро бинанд,
Оллоҳ деб бошласанг, тангри берғай сенга омад,
Назми тўъфа аз тағойи Муҳаммад-пиронсолад.

* * *

*(Зебунисодан таржима)*

Гулдан булбул кечарди гар чаманда кўрса мени,
Бутга сажда қилмагай бараҳманда кўрса мени,
Гул баргида ҳид яшириндек сўзимда пинҳон ман,
Майли бўлса кимда кўриш суханда кўрса мени.

## НАВРЎЗ

Элимда байрам бу кун,
Чеҳралар қувноқ, гулгун.
Қувончим осмон қадар,
Куйламайин мен нечун.

Бугун «Наврўз»и олам,
Ҳамма далада байрам,
Элу юрт яхши билар,
Йил меҳру мурувват ҳам.

Шудгор нам қайтармоқда,
Қаранг, ер бўкланмоқда,
Фотиҳа беринг бобо,
Барака йил кутмоқда.

Иш қуролин шайланглар,
Белни маҳкам бойланглар,
Мола билан бостириб,
Дон уруғин сайланглар.

Ўроғу шоха, белкурак,
Кашша, гаврон куч билак,
Поза, омоч, қўш ҳўкиз,
Тирноғу кетмон керак.

Ковушни кўй, Ойжамол,
Чориқ, мукки бемалол,
Меҳнатга киришайлик,
Барчани қолдириб лол.

Пилта бахмал қалпоғим,
Иш чопони белбоғим,
Лопка кўйлак, бўз иштон,
Зарурдир, чоқ димоғим.

Ёйинг бўйро, кигизни,
Нари қўй, хокандозни,
Ёз, қалами дастурхон,
Қўй шинни, тут майизни.

Бибилар овқат қилсин,
Ўчоққа қозон илсин,
Кўмоч, ярма, софи ош,
Зоғора, қотир бўлсин.

Ширкади, атала ҳам,
Гўча, ҳалиса ҳар дам,
Дилга роҳатижондир,
Сақлайди бизни бардам.

«Наврўз»да доим истак,
Битта таом — сумалак,
Қўниқ айтиб тайёрланг,
Бўлсангиз савоб тилак.

Оғилда той кишнайди,
Чархи дук ҳам ишлайди,
Сандали атрофида,
Барча хурсанд қишлайди.

Болалар шоду хуррам,
Майли ўйнасин бир дам,
«Аккол», «бештош» ўйнида,
Диллари бўлур беғам.

«Биздан Сизга ким керак»,
«Ошиқ» ўйини, «варрак»,
«Ёпин бачалоқ» ҳама бор,
«Кураш» — тегсин-да курак.

Карминам урф, одати,
Бахтию саодати,
Мадҳ этилди — ҳол қудрат,
Халқ меҳри муруввати.

## БИРИНЧИ СИНФ

Муаллимжон, муаллим,
Сизга минг бора таъзим,
Чунки заҳматлар чекиб,
Бизга бердингиз таълим.

Бугун синфда байрам,
«Алифбо» ёд олдик ҳам,
Ёзиш, ўқиш ўрганиб,
Барчамиз қувноқ, бардам.

Тобора биз улғаямиз,
Ҳаёт сирларин биламиз,
Ўқиб жуда кўплаб китоб,
Касб-ҳунар ҳам эгаллаймиз.

Касб-ҳунарлар ғоятда кўп,
Улар зарур, барчаси хўп,
Ҳаммасига билим керак,
Дўст билгину китобни ўп.

Айтайми мен ким бўлмоқчи,
Ҳа, албатта, ўқитувчи.
Ватан учун мард ёшларни,
Касбим, тарбияламоқчи.

Элга хизмат хили анча,
Тижорат эски тушунча.
Дўкон очиб хизмат қилай,
Куч-қувватимнинг борича.

Навот, ҳолва, пишолдони,
Ҳалвойитар, мураббони,
Айтинг-чи ким ёмон кўрар,
Қандолатчи ҳунармандни.

Бўлмоқчиман тикувчи,
Чевар, кийим бичувчи,

Дидли либослар тикай,
Сифат бўлсин биринчи.

Маҳаллага бош бўлсам,
Ҳудудни обод қилсам,
Халқим муаммосини,
Ечсам, эл ризо этсам.

Мен ошпаз бўлай дейман,
Халққа ризқ улай дейман,
Палов, манти, кабобни,
Таъмли, дўндирай дейман.

Юрт соғлиги — табобат,
Соғ бўлса халқ саломат,
Ўқиб табиб бўламан,
Шифокор — шудир мақсад.

Мен бўламан миришкор,
Элда машҳур пахтакор,
Ширин-шарбат мевалар,
Юртга дон, чорва даркор.

Техника жону дилим,
Керак унга кўп билим,
Ҳайдовчи бўлай дейман,
Машина менинг йўлим.

Қурувчилик зўр ҳунар,
Ишинг доим кўринар.
Қасрлар этганда барпо,
Номинг бир умр қолар.

Туманга бўлай ҳоким,
Ишлайман куч бор токим,
Элга бош бўлиб, масъул,
Рози қиламан халқим.

## 8-МАРТ ТАБРИГИ

Яна баҳор барқ уради дилларда,
Ҳаёт гўзал, турмуш ширин, бу онлар,
Таърифингиз достон эрур тилларда,
Онажонлар, қиз, жувонлар, жононлар.

Мана сизга озод эрку эркинлик,
Мустақиллик шавқи доим дилларда,
Қўл узатинг, ҳамма ерда тўкинлик,
Бахтинг ўзи, таронаси тилларда.

Асрий орзуларнинг тугуни бу кун,
Тамоман ечилган, юртимда ривож,
Тинчлик байроғи у ҳилпирар кун-тун,
Сизга инъом ўша ажойиб гултож.

Сиз онасиз, дилдаги севимли ёр,
Ватан юки, Олий Мажлис, Сенат ҳам,
Елкангизда, чарчамайсиз, ғурур бор,
Малагимсиз, олдингизда бошим хам.

Табрик олқиш такрорлайман ҳамиша,
Одатимдир, этолмайман уни тарк,
Яқин, йироқ, катта, кичик ва кекса,
Айтар сўзим: Байрамингиз муборак!

## ХУШ КЕЛДИНГ, НАВРЎЗ!

Элимда байрам бу кун, Наврўзи олам,
Чарчамай битди достон, шеърларни қалам.
Оловли асрларда, жангу жадалларда,
Юрагингда қанчалар сақланиб келди алам.

Бағрига босди сени нурли истиқлол,
Қадриятлар тикланди, қолмай бир мисқол.
Олам-олам қувонч билан кириб келдинг,
Кел, эй, Марҳабо, дийдам узра бемалол.

Қутламоқда она юртим сени Наврўз,
Кексаю ёш, йигит, қиз, қанча қора кўз.
Табиат ҳам яшнади, баҳор нафаси,
Гўзалликни оламга қилмоқда кўз-кўз.

Карнай, сурнай садолари эрта тонгдан,
Чорламоқда байрамга у завқли бонгдан.
Болажонлар хушнуд туриб равон бўлар,
Нуронийлар дуо қилар илму онгдан.

Кураш, кўчқор уруши, улоқ, от чопар,
Тухум уруши, аския, ғазал ҳам лапар.
Санъаткорлар жўшиб куйлар, рақсида ҳур,
Майдонда ҳар ким шу пайт истагин топар.

Тўйга тўёна қилиш қадим анъана,
Бил, Наврўз байрамига тўрт минг йил сана.
Энг ёшларга ўйинчоқ, қанд ҳалво бериб,
Халқ меҳнат зафари ҳам шу кун тўёна.

Яйраб-яшнаб келавер, эй, малак Наврўз,
Хосиятли таоминг сумалак Наврўз.
Муҳаммад ҳам кўп қатори шу байрамда,
Юртим, халқим тинч бўлсин дер истак Наврўз.

## ЙИГИТЛАРГА

Одамизод давр сурсин, ризо бўлсин, ўлмасин,
Бой бўлса бўлсин, аммо, зорликни у кўрмасин,
Чор афзоли бўлиб чоқ, тан-сиҳати бойлиги,
Сиҳат-саломат бўлсин асло бемор бўлмасин.

Балиққа сув — ҳаёт, қушга — қанот, инсонга — дўст,
Қанча кўп бўлса яхши, жон дўстинг бекаму кўст,
Эҳтиёт бўл, душманинг битта бўлса ҳам зиёд,
Авлодинг сенга ғамхўр, жонкуярдир эту пўст.

Давлат, шуҳрат, лавозим тақдирингда битмаса,
Қувма ҳаргиз ортидан сен, Хизр қўлинг тутмаса,
Ўткинчи ҳаволардан тинч роҳатинг минг яхши,
Эл назаридан қолма, фазо сени кутмаса.

Оға-ининг кўп бўлса бўлсин, қадрингга етсин,
Сен ҳам енггу қанот бўл, меҳринг, ёрдаминг тегсин.
Онангни Мадина бил, отангни Маккатуллоҳ,
Улар пойига тиз чўкки, сендан ризо кетсин.

Кулбайи камтардир аъло ҳашамли у қасрдан,
Одам бўлу из қолдир замонамиз асридан,
Шоир, олим бўлмасанг, китоб ўқи, шеърхон бўл,
Касб, хунар ол, зар берар, боболарнинг наслидан.

## ШАРАФЛИ ШАРИФЛАР

Ислом оламида Каъбайи шариф,
Муқаддас даргоҳдир Қуддуси шариф,
Дин қуввати-ку Бухорий шариф,
Қудратинг буюкдир эй, қодир Оллоҳ.

Афғонда қадамжо Мазори шариф,
Ироқдадир зиё — Бағдоди шариф,
Сурияда бир дунё — Шоми шариф,
Қудратинг буюкдир эй, қодир Оллоҳ.

Оллоҳнинг, Қуръони Каломи шариф,
Пайғамбар айтгани Ҳадиси шариф,
Савоб топгани Саловати шариф,
Қудратинг буюкдир эй, қодир Оллоҳ.

Илм мажмуаси Силсилайи шариф,
Пайғамбар тарихи Сияри шариф,
Мушарраф ойи Рамазони шариф,
Қудратинг буюкдир эй, қодир Оллоҳ.

Шарифларни ёд билгин эй, мусулмон,
Илмлар манбаи у — катта бир уммон.
Бандaнг Муҳаммадга ўзинг бер иймон,
Қудратинг буюкдир эй, қодир Оллоҳ!

# *МУВАШШАХЛАР*

*Мисраларнинг бош ҳарфлари ўқилур,*
*Унда сўзлар жило билан тўқилур.*
*Вужудида бўлса аниқ мақсади,*
*Аввал мантиқ, сўнгра шакл пайдо қилур.*
*Шу йўл билан давом этса назми ҳам,*
*Шоир шеъри қуйилгандай ёқилур.*
*Ажаб завқли арузнинг ушбу йўли,*
*Холис айтдим, Сиз ҳам ёзинг, боқилур.*



* * *

Аҳд қилиб сен истадинг бу кичик давра бу кун,
Бор бўлу, соғ бўл ҳамиша, қолма ортда куну тун.
Дард чекиб кўрдинг, ўтди у дам, ўтсин бутун,
Улғайсин фарзандларинг ҳам дард азобин чекмасин.
Лабда кулгу, шўх юргин, дилда қувончинг ўчмасин,
Латифинг бирла Ҳикмат, Эсан баҳри дилинг очсин,
Абдулла қабул айла, табрик сўзим, шудир якун.

* * *

Ҳожи бобо мадҳингни айлай баён,
Оллоҳ назар қилган сенга — бу аён.
Жамийки хулқу ҳунар, эътиборинг бор,
Истагандек юлдуз сен роҳи равон.
Али номинг Пайғамбардан меросдир,
Латиф нақшинг қила билдинг намоён.
Истаравшан фарзандисан ардоқли,
Бобонг, отанг руҳи қўллади Раҳмон.
Оламга ном таратган ҳунармандлар,
Бошида гултожсан, авлоди Сомон.
Олий мукофотлар номдори бўлдинг,
Ярим дунё тасанно дер бегумон.
Ҳузур-ҳаловатли турмушинг ширин,
Ёру дўст, фарзандлар катта бир карвон.
Ер фарзанди, эл фарзанди тўй қутлуғ,
Вужудингда тутсин ижод, санъат ошён.
Ғанни Муҳаммади мухтасар қилди,
Алижон соғ бўлгин, бўлгин сен омон.

* * *

Гул каби нозик-ниҳолим сен ўзинг,
Учқун эмас аланга бор кўзингда,
Лабинг кулгу олами, ширин сўзинг,
Нозик сен эрка қизим, назокатли сен.
Олам сирин қамраган ўткир кўзинг,
Замон сеники, давр билан қадам бос.
Аввал ўқи, қизариб юрсин юзинг.

* * *

Гул ўзинг, гулгун бадан, ул қоматинг шайдо қилур,
У сенинг оҳу кўзинг ишқ ўтин пайдо қилур,
Лабларинг имо этар, менга қараб наво қилур,
Чора топдим дардима, ширин сўзинг даво қилур,
Етдим энди орзума, кўнгил ҳамон нидо қилур,
Ҳуснинг бу жоним олгудек, ишқинг мубтало қилур,
Рози деб ман яратганга бу юрак дуо қилур.
Айб эмас деб ишқ йўли қойибдан бир садо қилур.

* * *

Дилрабо Дилбар қизи,
Иболи ширин сўзи.
Латофат қирмиз юзи,
Рашидга изи-тизи.
Аслида пок илдизи,
Бор бўлсин бобо қизи.
Одобга кондир ўзи!

* * *

Жамолинг бир жаҳонлик ақлу ҳушда тенгсиз эй доно,
Айлама ҳаргиз ўзингга бирор номардни ҳам ошно.
Мени табрик сўзим сенга, қабул айла гули раъно,
Ишинг омадли бўлгай, хавф-хатарли бўлмасин асло.
Латофатни тарк этма ҳеч, кўрмай сенда бир таманно,
Албатта, бахт қуши қўнгай, сўзингда бор олам маъно.

* * *

Илтимос, этгил қабул истак ила табрик сўзим,
Нодири даврон экансан қайси кун кўрди кўзим,
Олиминг айтур ягона ошиғингман мен ўзим,
Бахт кулиб боқсин, чидам, бардошингга берсин тўзим,
Ақл, иффат, вафоингла ҳаётга солгин расм,
Тилагим соғлиқ сенга, қилиб якун ушбу назм.

* * *

Қурби қолмас кимсани у майга майлин айласа,
Умид-орзу пучга чиққай, кўп касбни сайласа,
Рози қилмас элини у, ишидан кўп сўйласа,
Бошини кўкка кўтарса, кераксизни куйласа,
Омади бўлмас ишини доимо у тўйласа,
Номин абад қилмоқ эга, — ҳалолликдан тоймаса.

* * *

Лаъли ёқут тенг эмасдур бу ҳаёт маъносига,
Аввалам қутлов керак ул эркаси шайдосига.
Йигирма тўрт рақами мансубдир Лайлосига,
Лек юракдан бахт тилармиз ул кўзи қорасига,
Олима бўлсин етишсин, истаган мирзосига.

* * *

Муборак мавлудда таваллуд топиб,
Аввалом пешқадам бўлганингми рост?
Ва алҳол товусдек ҳуснга ботиб,
Лаъл, ёқут, инжуга тўлганингми рост?
Умидли бу кўнглим сезиб сўз қотиб,
Дединг сен, «Ишқ» учун ўлганингми рост?
Алдама — алданган жисмим, эй котиб,
Менга сен бир умр қолганингми рост?

* * *

Мазмуни бўлдинг ҳаётим, соҳиби назокатсан,
Азм этиб ёздим ангьор, латофатли кароматсан.
Даво айла пари-пайкар, ўзингсан, шафоатсан,
Иложи айла жоним, менга кони саховатсан.
Номинг такрор тилимда бир ояти тиловатсан,
Ахир, на қилсанг қилгил, ваъдага қил садоқат сан,
Муҳаммад зор, висол даркор, ҳақ берган иноятсан!

* * *

Мадинага Муҳаммад ошиқу беқарордир,
Айтмай ҳижратни қавмга тунлари у бедордир,
Додига етиб Оллоҳ, ижобати барордир,
Иншооллоҳ, карвони жадал юрди, шунқордир,
Нафсини тийиб доим, ўзи Оллоҳга ёрдир,
Айтсам агар пайғамбар, Мадинада ётодур,
Мени, ёраб, етургил васлига ул дилдордир!

* * *

Маърифату маънавият, маданият сендадир,
Ахлоқу одоб, меҳру шафқат, шижоат сендадир,
Талъату иффат, назокат ҳам муҳаббат сендадир,
Лутф, карамда танҳо бўлган шафоат сендадир,
Устуворлик бўлмаган, танҳо-жасорат сендадир,
Бил парилар сарвари, барча каромат сендадир,
Айни кўнглим истаги бўлган латофат сендадир!

* * *

«Муҳаббатим туғён урар, талпинаман сен томон,
Айрилиқ бу ўлим менга, сендан айрилган ҳамон.
Майли сен изҳори қилма, тутгил ишқингни пинҳон,
Лек севарман бир сени, ҳеч ўзгани қилма гумон».
Айтганинг эдингдами?! Эй бевафо менга жонон,
Кўрмадим вафо, олам элидин чекарман афғон!
Алданиб юрдим жаҳонда, ҳар замони, ҳар замон!
То қиёмат дод этарман ҳам дод устига фиғон!

* * *

Мақсадой айла қабул табрик юракда бир булоқ,
Аввалам соғлиқ сенга, умри узоқ, ризқи фароғ.
Қолма ортда, бос қадам, бахтингни топгил эртароқ,
Сабрли бўл, камтарин ҳам иқболдин бўлма йироқ.
Айла хизмат элингга, ота-онангдан яхшироқ,
Деб якун этди Муҳаммад бу суханни чоғроқ.

* * *

Мастман, ҳайронаман, ҳолатим девонавор,
Айт не қилайки, давосиз ман дардга душвор.
Сабрим қолмай тўлғонаман, сенга интизор,
Тор бу жаҳон кўзимга, ишқинг қилди гирифтор.
Умид-орзу фақат сенсан, сен менга дилдор,
Ростин айттин, нариваҳим, висолга мен зор.
Афгораман, ҳолим хароб, бу йўлда беор.

* * *

Муҳайём гўзал, одобли ақлли қизим,
Умри дароз, ризқи фароғ, тили бийроним.
Ҳавас қилсин элинг сендай фарзанд борига,
Аввал ўқи, рози бўлсин гўзал диёрим.
Йиғ илмни, меҳрибон бўл қардошларингга,
Ёшинг етсин юзга, жоним, шону шиорим!

* * *

Менки кўрдим бир пари рўй ларзага тушди танам,
Ул кундирки, роҳатим йўқ, ақлимни олди санам.
Ҳолима кулманг мени, ҳозир замона Мажнунам,
Арзими тингла нигоро, бир йўла қилгин карам.
Борми ҳеч кўнглингда раҳминг, зори гирёнинг манам,
Бир боқиш мушкулми шунча, кўнгли камлардан камам.
Афтодаларга шунчами зулм, ситам, чексиз алам,
Термулиб йўлингда доим, шеър ёзай, синмас қалам.

* * *

Нурга интил, нурни қамра, нурлар соч,
Аҳли эл ёнида бўл, бағрингни оч.
Рози бўлсин ҳеш-то бор, ота-онанг,
Ганж керакмас, ўқишга бергин ривож.
Илм олиб, одобни ўрган, мажлис бор,
Зеҳнинг бўлса, зебу оро на даркор,
Айни мақсад нодонлардан узоқ қоч!

* * *

Нозикликда бебаҳо, гавҳар,
Илтифотда энг олий сарвар.
Лутфда париларга баробар,
Умидки бўлур инсонпарвар.
Фарруҳдир ҳаммангизга раҳбар,
Албатта бўлурсан сен камтар,
Раҳмат десин элинг — Нилуфар!

* * *

Олмос тиғли ўткир қалам Сиздадир,
Дил сўзлари, шеърда сапам Сиздадир.
Илҳом жўшқин сўнмас булоқ ижодда,
Лабзи ҳалол, ишқий алам Сиздадир.
Ҳикматлар кўп, тўла ўгит ибратли,
Орзу буюк ҳиммат, карам Сиздадир.
Талпинасиз юксакларга шеър билан,
Асли туғма иқтидор ҳам Сиздадир.
*Маромига пишиб етган ҳар бир шеър,*
Олтин каби қимматли дам Сиздадир.
Вақт ғанимат, соғ бўлинг, ҳорманг яна,
Гавҳарга тенг мисралар жам Сиздадир.
Ажойиб дўст меҳри янам Сиздадир.

* * *

Мен ҳам бир мухлисинг асли, мадҳингни сўйлайин,
Умрлар бор элда ардоқки, қўшиқларинг куйлайин.
Собит қадам билан келдинг маърифат майдонига,
Орзулар рўёбга чиқди, илм олиб кўп, ўйлайин.
Тошмуҳаммад ўғлидирсан, оламга бўлдинг машҳур,
*Олим шоир, насрий йўлнинг соҳасини сайлайин.*
Шеърлар бўлди қатор тўплам, устоз шоир бўлдинг сен,
Меҳнат қилдинг кеча-кундуз, шу аҳдингни бузмайин.
У достонлар: «Ўч», «Машъала», «Бахтигул ва Соғиндиқ»,
Ҳикоялар: «Тилла топар», «Синган умид»... қанчайин.
Асаббузар кунлар эди, қора булут оралаб,
Матонатла бардош бердинг, дардни писанд этмайин.
*Мозийдан бир мавзу олиб яратдинг сен «Қутлуғ қон»,*
Асар битдинг, халқ тилагин орзуларин кўзлайин.
Довон ошдинг, роман ёздинг, Алишер ҳаётидан,
Ойбек номинг яркиради, «Навоий»ман сўзлайин.
Йигирма жилд асарларинг, Ўзбекистон фахрисан,
Биз билан сен бирга доим орамиздан кетмайин.
Етиб бугун муродига Муҳаммад ҳам қувончда,
Китоб севиб, шеърлар ўқиб тўйингда мен тўйлайин.

* * *

Фалак гардишидин бир гал раво бўлса, сени кўрсам,
Илкингга бир дами бўлсам, даво бўлса, сени кўрсам.
Раҳм қилсанг, сахий бўлсанг ҳам наво бўлса, сени кўрсам,
Умр сурсанг, кўзинг сузсанг ва ҳаво бўлса, сени кўрсам.
Зори полонман дардим бедаво бўлса, сени кўрсам,
Агар кўнглимга бир сендин имо бўлса, сени кўрсам,
Муҳаммад рози кўйингда расво бўлса, сени кўрсам.

* * *

Ғайрат камаринг белда, қирчиллама ёшинг бор,
Илҳоминг қайнар дилда, ҳар ишда бардошинг бор,
Ёвай, эътибор элда, ёру дўст йўлдошинг бор,
Сабрим тугади кел-да, мендек ҳам қўлдошинг бор.
Жон ато қилган кунда сенга юракдан тилак,
Одил бўл эл олдида, соғлом, бақувват билак,
Навқирон йигит ёшинг, азиз дўстим муборак!

* * *

Шоирамсан, шоирингман ёзаман ашъор,
Ор-номусдан кечдим бу кун, мен ажаб беор.
Илтижолар бекор кетди, гоҳ бўлдим хоксор,
Ранж кулфату маломатлар бу кун менга ёр,
Асли тақдир забун экан на иложим бор,
Майли, асло назар қилма, сенга зорман-зор.

# *ҲАЗИЛ — МУТОЙИБАЛАР*

## ЛАПАР

Интизор доим йўлингда
Кўзларим, девонаман.
Неча йиллар сўз қотолмай,
Тилим лол ҳайронаман.

Сен билиб билмасга солсанг,
Ҳар замон гирёнаман.
Бир умр дардимни ёрмай,
*Ўтганимга ёнаман.*

Ёнаман кўйингда жонон,
Ишқингда як донаман.
Ишқ сабоғин Қайсга берган,
Зиёйи нурномаман.

Бир замон ёнимда бўлдинг,
Чеки йўқ қувонаман.
Бу фурсат ўтдию кетди,
Шу кўйи овворaман.

Оввора қилдингу кўйдинг,
Раҳми йўқ, афтодаман.
Бу йўлда зори-саргардон,
Нотавон афгораман.

Сени деб дол бўлди қаддим,
Номинг билан қонаман.
Заҳматим зоега кетди,
Бу умрдан тонаман.

Ҳар қачон айтилса номинг,
Юзларим ол-лоламан.
Ноумид бўлма, Муҳаммад,
Раҳм қилур инонаман.

## КУРСДОШЛАРИМ

*(ҳазил)*

Сайқали рўйи замин,
Бўлган диёр, бўлди макон.
Курс очилди биз учун,
Яратилди илк имкон.

Тингловчиларнинг кўпи,
Тиришқоқ чиқиб қолди.
Классик асарларни,
«Сувини сиқиб» олди.

«Мияни чархлаш» учун,
Ўқидик биз кўп китоб.
Ўтказдик икки семнар,
Бўлди айримлар «бетоб».

Қирқ бир ўғлон ўн тўрт қиз,
Жойландилар бир уйга.
Айрим тингловчилар чун,
Дарслар ўхшайди тўйга.

Қирқ бир ўғлон ҳар бири,
Эллик ёшни урибди.
Қизларимизнинг кўпи
Биби жон ҳам бўлибди.

Ажиб хислат одамлар,
Мудрайдилар ўтириб.
Гапга қўйсанг ҳар бири,
Гапиради кўпириб.

Илм-фанга йўқ завқи,
«Билимдон»лар туғилган.
Айрим домлаларнинг,
Товушлари бўғилган.

Минбарга чиқиб олиб,
Ҳунарлари варсои,
Мақолларда йўқ таҳлил,
Етишмайди «тарсаки».

Совестобод районда
Бўлди ажиб ҳангома.
Ўтди қизиқ машғулот,
Тарихда бу бир нома.

Тартиб интизомимиз,
Ўртача, ёмон эмас.
Кундлик машғулотларда,
Тўрт-бешта «омон» эмас.

Хуноб бўлиб Акрамжон,
Ўгит қилар ҳар куни.
Қайғуради биз учун,
Ҳам куни-ю, ҳам туни.

Ошхонада овқатлар,
Тайёрланар бир текис.
Фақат борщу, окрошка,
Макаронли бифштекс.

Ҳаётий заруратнинг,
Бошқасида йўқ нуқсон.
Шунча ғамхўрлик бизга,
Улуғ деб ҳазрат-инсон.

Дўстларим, бу шеъримни,
Кўнгилга олманг малол.
Бахт топинг, меҳнат қилинг,
Халқ учун поку ҳалол!

**«А»**

Ардоқладим аниким,
Айлади ахгар — адо.
Асабим «алёр» айтиб,
Алдаб айтди алвидо.
Афв айлагил андоққим,
Афти — ангорим англаб.
Аламлар айладинг-ку,
Аҳмоқона айб айлаб.

**«М»**

Мендаги майли муҳаббат,
Мойиллигимнинг мороми,
Меҳрибонлигимдан.
Моҳитобонлигимдан.

Маънавияту маърифат,
Маданиятим мезони,
Марҳаматлигимдан.
Мунавварлигимдан.

Моҳирлик мудом мадорим,
Мардлигим, марду майдоним.
Мукаммаллигимдан.
Мўътабарлигимдан.

Марҳамат, мардумни мадҳин,
Меъёрларда маъқуллатдим.
Мусулмонлигимдан.
Муҳаммадлигимдан!

## ИШҚИ ЙЎҚ

Ишқи йўқ эшшак деган,
Халқ мақоли тўғрими.
Ҳар куни йўл пойласам,
Энди мен бир ўғрими.

Сени деб ичдим ҳаётим,
Лаззатидан доимо.
Ишратингга бир дами,
Бўлмади ҳаргиз имо.

Муҳаммадни зор айлаб,
Кўйингда афгор қилдинг.
Йўлингда бир гадо айлаб,
Кўчангда сангсор қилдинг.

Зулми қилдинг чеки йўқ,
Бу ғариб девонага.
Урмадим бу бошни мен,
Ўзга бир остонага.

## ҲАЖВ

Айтинг, нима учун ҳурмат яралган?
Беминнат хизмат ҳам борми дунёда?
Бировга заррача ёрдам қилсанг гар,
Умидвор юрасан, оринг қаерда?

Дарвоқе, ор-номусли, ғурур, иззатли,
Тавозе, камтарин, меҳрибон бўлмоқ —
Мўмин умрига завол — ҳаёт барбод,
Барчасидан пулдор бўлмоқ — афзалроқ.

Маъзур тутинг, фикрат қилинг, гарчи,
Сиз илмли, беғараз, кароматлисиз.
Сазовор бўлмассиз эъзозга ҳеч ҳам,
Юмшоқ қалб, жўнгина — маломатлисиз!

Қадру қиммат, меъёр баҳоси пулдир,
Йўқ эрса, донишманд ҳам икки пулдир.
Йиғма эсинг, фойдасиз эй Муҳаммад,
Обрўйи эътиборинг неки пулдир!

## ҚАРИЛИК

Кўнгил тасалли топмас, яхши эмас, ёмон йўқ,
Белда қуввват, кўзда нур ё оёқда дармон йўқ,
Соғ эмассан на касал, ҳеч аъзода омон йўқ,
Беморликнинг расвоси, давоси йўқ қарилик.

Сўзинг ёқмас ўзгага, буришган афт-башаранг,
Ўзингники панд олмас, асабинг доим таранг.
«Шу, бобой қариганда, инжиқ, ўзлари, қаранг»,
Беморликнинг расвоси, давоси йўқ қарилик.

Оилам, болалар деб эллик йил меҳнат қилдинг,
Яхши, ёмон сўзларга бардош бердинг, мард бўлдинг.
Дилинг вайрон, бийрон юракни қанчалар тилдинг,
Беморликнинг расвоси, давоси йўқ қарилик.

Бир ишга қўл урсанг гар, имиллайсан омад йўқ,
Ҳам, гавдада елкаю тик тургани қомат йўқ,
Қўл-оёқ қалтирайди, бунга ҳеч бир тоқат йўқ,
Беморликнинг расвоси, давоси йўқ қарилик.

Кексайганда авж олар иссиқ тан иситмаси,
Табиб сира қарамас, бўлмаса қистирмаси.
— Олдин олиб келингда, тан-тайёр пиширмаси,
Беморликнинг расвоси, давоси йўқ қарилик.

Ёшларга ўгит қилсанг, кулади қараб туриб:
— Сизнинг замон ўтган-ку, дейди афтини буриб.
— Овқатдан сеангиз-чи, қарилик гаштин суриб,
Беморликнинг расвоси, давоси йўқ қарилик.

Ўстирган фарзандларинг қанот қоқиб учдилар,
Ҳар қайси рўзғорию, болалари қучдилар.
Ёлғиз қолдинг шумшайиб, дўстларинг ҳам кўчдилар,
Беморликнинг расвоси, давоси йўқ қарилик.

Танти бўлса табиат хотин олдин ўлмасин,
Эрни аввал жўнатмай паймонаси тўлмасин.
Саришгасин ололмай эри сарсон бўлмасин,
Беморликнинг расвоси, давоси йўқ қарилик.

Ҳар кимнинг бошида бор қариликнинг савдоси,
Дарду алам нашидаси, ҳаётининг ғавғоси.
Ноумид шайтонки, урмасин акси васвоси,
Беморликнинг расвоси, давоси йўқ қарилик.

Кўнглим тўла қувончдаман, ношукрлик не даркор,
Гап бор, шу кунларга етганлар, етмаганлар бор.
Атрофимда ғамхўр туман, бўлмадим мен хору зор,
Беморликнинг расвоси, давоси йўқ қарилик.

Ёшларга бир ўгит бу, билсинлар буни ҳикмат,
Тўғри замин яратсинлар, қариганда насиҳат.
Бас қил, бу гўяндаликни сабрсиз эй, Муҳаммад.
Беморликнинг расвоси, давоси йўқ қарилик.

## БАҒИШЛОВЛАР

*Ясаб Сизга шеърдан гулдаста,*
*Шеърла табрик менга ҳавасда.*



## АЛИШЕР НАВОИЙГА

***Алишер Навоий таваллудининг 560 йиллигига***

Сен яратган асарларинг қатраси уммонча бор,
Юрт китоб жавонида ҳар бир сўзинг девонча бор.
Ўқилур давраларда ҳам тебраниб, ваҳ-ваҳланиб,
Сўзлари гавҳар терилган, иззати меҳмонча бор.

Узоқ бўлса сана қанча, меҳринг боз осмон қадар,
Панд-ўгит айтганларинг элга бузруквори падар.
Хуш келибсан, нуридийда юрагим тўрида бўл,
Муборак, эй пири комил, неккадам бўлсин сафар.

Сен дилдан орзу этган, жаннатмакон бу юртдадир,
Мадраса, мактабу масжид ҳам йўл равон бу юртдадир,
Дўстлигу севги, садоқат, меҳру шафқатга тўла,
Халқига ғамхўр раҳбар — одил хоқон бу юртдадир.

Қизлари оқила, доно, ҳар бири Ширинга тенг,
Ишқда Лайли ҳайратдаю, Дилором санъатда денг,
Пахлавон эр-ўғлонлари ҳунарда Фарҳод сифат,
Халқига этди туҳфа кўплаб сарой, қасрлар кенг.

Мустақил шундай диёрки, сени эъзозлар мудом,
Фахрим ҳам ифтихоримсан, энг азиз бўлган бобом.
Вилоят, шаҳру кўча, санъат сарой, дорилфунун,
Навоий деб ном берилган, фахрий ном сенга инъом.

Катта тўйинг эвазига элим шимарди билак,
Номингга бахшида боғ яратди шу эди истак.
Юртбошимиз — тўйбоши — ҳам мезбону, ҳам меҳмон,
Муҳаммад ҳам айтди дилдан: «Бобожон, тўй муборак!»

## МУСЛИҲИТДИН ҒИЁСОВГА

Ясаб Сизга шеърдан гулдаста,
Шеърла табрик менга ҳавасда.

Эй, дўсти мўътабар, мураббий,
Бу калом фақат Сизга мосда.

Босиб ўтган ҳаёт йўлингиз,
Кўз ўнгиздан ўтар бирпасда.

Ватан учун оловли йиллар,
Ўтди жангда, ҳарбий либосда.

**РАҲМАТИЛЛОНИ ЭСЛАБ**

***(Спортчи Раҳматилло Қамбаров хотирасига)***

Мана бугун спорт байрами, катта анжуман,
Пок хотиранг ёд этгали мен ҳам сафдаман,
Дўсти, ёру, фарзандларинг, ҳамма жамулжам,
Санъату, шоир, спорт машқидан ҳайратдаман.

Дала ораста, яшил, сен севган май ойи,
«Сўғдиёна» ўйингоҳи, майдон бинойи,
Эслаймиз икки спортчининг хотирасини,
Шаҳримизда, ёшлик шаҳрим, шаҳри Навоий.

Шуҳрат Эшбўтаев у кентох нарвонаси,
Қамбаров Раҳмат эса, катта спорт устаси,
Сиз устозлар таълими-мухлислар йиғини,
«Инсон мангу яшайди» деганнинг маъноси.

Бу кун нурлоқ хотирасин ёд этиб сокин,
Руҳи мадад берсин, ҳар спортчи бўлсин лочин,
Жойини жаннатда қилиб Раҳматиллони,
Оллоҳ раҳматига олгани бўлсин, Омин!

### «АЛЛА» ҲАҚИДА

Бир сирни ўзимча очгандай бўлдим:
«Ушшоқ», «Муножот»лар қанчалар дилкаш!
Фикрат билан ўйланг, етмишга тўлдим,
Ҳаётбахш «Алла»ни қўмсайман яккаш.

Ҳомилада айтинг «Алла»ни бошлаб,
Онажон, болага ҳар дам, ҳар доим.
Умрим тугаб кетганда ташлаб.
«Алла» бўлсин видолашув, худойим.

«Алла болам, болажоним», болажон,
Иншооллоҳ, «Расул барҳақ, худоё».
Бисмиллоҳ, деб она, бола бир тан, жон,
Бўлур халоа, поклик доим бино-ё.

Тилга кирган жажжигина болакай,
«Айтинг», дебон онасини қўймайди,
— Ухла қўзим, «Алла» айтиб ҳоримай,
Соғлом ўс, деб Оллоҳидан сўрайди.

«Алла» ўзи сирли қўшиқ, билсангиз,
Ватан каби муқаддас, улуғ неъмат.
Эътиборла бир сокин тингласангиз,
— Мўъжиза у, бор унда буюк ҳикмат!

## ЖАЖЖИЛАРГА

Жажжигинам Наргизам,
Мурғаксан — гўдак, ширин.
Ўсиб — улғай азизам,
Бўлмасин бувингга қийин.

Дилфузам сенга тилак,
Соғлом ўсиб илм ол.
Ақлу одоб ҳам керак.
Тилинг бўлсин доим бол.

Муҳайё жону дилим,
Сен бизларни эркамиз.
Ўқи улғай ол билим,
Доим сенга керакмиз.

Сурайё тўнғич фарзанд,
Бўл оқила ва доно.
Илм ол, бўл ҳунарманд.
Элинг айласин олқиш.

## ОНАЖОНЛАРГА

Фасли баҳор-баҳор дами,
Гўзаллик наққошидир.
Дил қувончи Март байрами,
Йил кўркининг бошидир.

Меҳри қуёш онажонлар,
Кўрк берган Сизга олам.
Йўқ! Оламни Сиз жононлар,
Этгансиз гўзал, малҳам.

Бор бўлдинг, Сиз қуёш қадар,
Бахт бўлсин ҳамроҳингиз.
Роҳат топсин ҳамда падар,
Ўғил, қизу моҳингиз.

Қабул айланг сиз табригим,
Инсонни яратган зот!
Бу оламда бир тилагим,
Сиздан қолсин яхши от!

Истиқлолим азмидир бу,
Берди сизга яхши йўл.
Қомусимиз қонуни — шу,
Сиз учун бу бахтли йўл!

# *МУХАММАСЛАР*

*Жавоҳирлар дурдонаси — ҳаммаси,*
*Беш мисрада сўз ўйини — нағмаси,*
*Ҳар шоирнинг шеърида ўз тамғаси,*
*Мазмун, радиф, бўғини, қофияси,*
*Фалсафаси бўлса, шу мухаммаси.*



## ИСТИҚЛОЛИНГ МУБОРАК

Озод элим, обод элим, қардошли халқимга салом,
Ҳам дил сўзим, икки кўзим бардошли халқимга салом,
Элатимдир минг туман, жондошли халқимга салом,
Асрли орзусига етган, нияти пок элга тилак,
Осмонинг мусаффо бўлсин, ҳам истиқлолинг муборак!

Ўтмишингни эсласанг юрагинг қон, бийрон, бағринг доғ,
Мулк бўлди бил келгиндиларга, сен яратган барча боғ,
Ўз юртингда ғариб бўлиб ва кўрмай бир кун дурустроқ,
Бу нек ва қутлуғ беш ёшингда, сенга Оллоҳдан тилак,
Осмонинг мусаффо бўлсин, ҳам истиқлолинг муборак!

Адиби йўқ, илми йўқ, ҳам тариху маданияти,
Деб жар солганлар яксон бўлди, тум-тарақай бидъати,
Ҳамжиҳатсан бел боғладинг, ҳам юрт боши шижоати,
Бир ёқадан бош чиқардинг, толмассан бақувват билак,
Осмонинг мусаффо бўлсин, ҳам истиқлолинг муборак!

Минг йиллардан далолатли даҳоларинг мулки Турон,
Ибн Сино, Ал-Форобий, Берунийинг машҳури жаҳон,
Навоий, Ал-Хоразмий, Улуғбеку ҳам Умар Хайём,
Темур, Бобур, Нақшбандийларни етказган катта юрак,
Осмонинг мусаффо бўлсин, ҳам истиқлолинг муборак!

Барқарор удум, урф-одатинг маърифат топди равнақ,
Алломалар таълими шукур дастур-мўминлар қувноқ,
Дини ислом, рўза-намоз, ҳадису покликни билмоқ,
Фарз бўлди-ю тикланди иймон барчаси бир муштарак,
Осмонинг мусаффо бўлсин, ҳам истиқлолинг муборак!

Юртбоши дер: халқимнинг қудратли порлоқ диёри бор,
Ҳамжиҳатлигу ҳамкорлик ва тинчликдан шиори бор,
Ғарбу Шарқда давлатлардан дўстлари бор, нори бор,
Энди дунё саҳнига порлаб яна чиқмоқ керак,
Осмонинг мусаффо бўлсин, ҳам истиқлолинг муборак!

Ўзбекистоним! Сен бу кун, ҳар соҳада кучдинг зафар,
Ғалла, чорва, пилла-ю, пахтангни айт осмон қадар,
Ҳақ экан, халқимда гап бор, сенга Худо солган назар,
Бахтиёр ўғлингман Муҳаммад, шу Ватанда туз-намак,
Осмонинг мусаффо бўлсин, ҳам истиқлолинг муборак!

## ЖОН ВАТАН

Мустақил юртим ғурурим, ифтихорим жон Ватан,
Истиқлол бахтим-баҳорим, гул диёрим жон Ватан,
Шифобахш оби ҳавоси, тан мадорим жон Ватан,
Ўн йил ўсиш юз йилга тенгдир, шунқорим жон Ватан,
Қутловим этгил қабул бахтим-баҳорим жон Ватан.

Шуълайи ишқинг тушибдир мен туғилмасдан бурун,
Онаю ҳам юрт деган бу юракда маҳкам тугун,
Шу кичик жуссам билан хизмат қила олсам бутун,
Розиман сенчун тўкилса, бор жисмимда барча хун,
Муборак она, қутлуғ кун, юрак торим жон Ватан.

Ҳеч бир давлат кўрмаган-ку равнақинг ривожини,
Автомобил, заводлар, нефт конлари гултожини,
Қатор янги самолёт, олтин захиранг божини,
Ечмоқда халқ бор муаммо, барча эҳтиёжини,
Энди излаб мамлакат дўст, номус-орим жон Ватан.

Ўзлигим билмакка имкон берди юртбошим жадал,
Ислом, Маъмун илмгоҳлар ни бошлади шу маҳал,
Қадрият тикландию зиёратгоҳ қилди амал,
Авлиёлар юрти деб назар солган Оллоҳ азал,
Руҳи пок аллюмаларга эътиборим жон Ватан.

Ўзбекни бил, Мангуберди, Амир Темур авлоди,
Ўз тупроғин азиз билган Широқ, Бобур авлоди,
Ал-Бухорий, ал-Фарғоний, Абу Мансур авлоди,
Киндик қони шу юртда, уламо бўлур авлоди,

Хиёнат билмаган ал, аҳдида борим жон Ватан.
Дунёга донг таратдинг, Ватаним — Ўзбекистоним,
Оламга юз қаратдинг, Ватаним — Ўзбекистоним,
Тинчлик юртин яратдинг, Ватаним — Ўзбекистоним,
Ҳам ўлкамни яшнатдинг, Ватаним — Ўзбекистоним,
Муҳаммадга саждагоҳ, пуштим-паноҳим жон Ватан!

**КАРМИНАМ**[1]

Из қолдирган авлодларнинг эртагида Карминам,
Асрий орзу аждодларнинг тилагида Карминам,
Заҳмат чеккан бобо деҳқон билагида Карминам,
Озод бўлсин юртим деган истагида Карминам,
Суғдийларга Ватан бўлган мурғагида Карминам.

Милодгача қабила деб чорва-йилқи таратган,
Кучин еру, кулолчилик, тегирмонга қаратган,
Тоғ-тошларга илк ёзуви-тарихини яратган,
Душманига таҳдид солиб, Таҳмодларни чаъратган,
Искандарни доғ қолдирган керагида Карминам.

Араб истилосида қолмай суғдлар имкони,
Юз минглаб аждодларнинг дарё бўлиб оқди қони,
Бухоро, Карминада Муқаннадек қаҳрамони,
Чиқди, беш йил сақлади у озод юрт, ҳурлик шони,
Ҳушёр элим, хар бир душман дарагида Карминам.

Чингиз-мўғул жаллодлар вабо бўлди халқ бошига,
Юрт вайрон, қизлар сарсон, заҳар солди эл ошига,
Куйди китоб, болта урди ҳар бир қасрнинг тошига,
Малик чўлда жанг бўлди Таробий турди бошига,
Йигирма минг мўғул ўлди бўлагида Карминам.

Амир Темур бобом охир мўғул жойини солди,
Барқарорлик, ободонлик, илму фан ривож олди,
Олим Кушчи, Саид Баҳром, Темир шайх изи қолди,
Деҳгароний, Ҳазрат Қосим пандидан олам тўлди,
Буюк ипак йўлини боқ этагида Карминам.

---

[1] Тарихий манбаларнинг кўпчилигида қадимда Кармана эмас, Кармина атамаси қўлланилган.

Кўп қатори Карминам ҳам етмиш йил хуноб бўлди,
Қадрият оёқ ости, маданият хароб бўлди,
Таҳқирланди ўз тилимиз, савоб иш сароб бўлди,
Совет деган замонда Ислом дини бетоб бўлди,
Катта жангнинг аламлари кўкрагида Карминам.

Шукрким, Истиқлол Ватанда, барқ уриб чиқди қуёш,
Ўнлаб аср орзусига етти бугун кексаю ёш,
Ислом Карим раҳнамодир ҳақ йўл қуриб бўлди бош,
Ўзбекистон гулламоқда, ҳар дам меҳнат тўю ош,
Муҳаммаднинг киндик қони юрагида Карминам.

## МАҲАЛЛАМ ОБОД МЕНИНГ

Обод маҳалла аслида халқининг иноқлиги,
Ёру дўст бирдек аҳилу меҳрининг қайноқлиги,
Меҳнатидан баҳраманд эл ижоди булоқлиги,
Ҳашар, тўй-томошаси бир қозон, бир товоқлиги,
Фуқароси оқил аммо, йўқ кибру димоқлиги.

Омадли тадбиркорлар ҳомийликда донг таратди,
Обод бўлсин маҳаллам деб оромгоҳлар яратди,
Сармоясин савоб билиб қурилишга қаратди,
Равон йўлу ниҳол қуриб жадал ишни юритди,
Дўкон, чойхона хизматда, ортда юрт фароқлиги.

Обод маҳалла барчага севимли Ватандир бу,
Гуллатиб ораста этсанг завқли бир чамандир бу.
Вилояту ҳам ноҳиянг жонажон тумандир бу,
Муҳаммадга дармон, орзуси иштиёқмандир бу,
Фуқаронинг ҳар дарди ҳам ечилгай қийноқлиги.

## ШОИРДАН ШЕЪР ҚОЛА БЕРАДИ

Уламолар азиз Ватанни ардоқлаб кета беради,
Йиллар ўз муҳлатларини тинимсиз кута беради,
Тарих ҳаммасини ажрим қилиб олға бора беради,
Ва яхши билан ёмонни жой-жойига қўя беради.
Даврлардан асл гувоҳ бўлиб шоирдан шеър қола беради.

Ҳамадоний халифаси — Яссавий зоҳидлар подшоси,
Оламни тутган нафаси, ҳикматлари Қуръон, ҳадиси,
Исломда тасаввуф саси, тили содда халқ дурдонаси,
Алломалар сўз бошиси, илмига дил шоша беради.
Даврлардан асл гувоҳ бўлиб шоирдан шеър қола беради.

Машҳур Сулаймон Боқирғоний, Абдухолиқ Ғиждувоний,
Уларнинг издоши Нақшбандий ҳам Сулаймон Карманаий,
Кароматда ҳеч беназири — Ал-Бухорий, Ал-Фарғоний,
Илми ғайбнинг нурафшони дарёлардек оқа беради.
Даврлардан асл гувоҳ бўлиб шоирдан шеър қола беради.

Мўминларга энг назокат, фарзу суннат, иймон, шариат,
Қилур зоҳид пирга хизмат, билойин деб шаръи тариқат,
Эгалласа гар маърифат, ҳақ йўлига ўтар ҳақиқат,
Ортади унда фаросат, ҳаққа яқин бўла беради.
Даврлардан асл гувоҳ бўлиб шоирдан шеър қола беради.

Эл-юрт бошидан кечган кун, жангу жадалда тўкилган хун,
Изтиробли уйқусиз тун, шу кунимиз — мустақилликчун,
Халқ интилди, миллат бутун, бахт бўлди ёр, ечилди тугун,
Энди халқим шу буюк давлатни жадал қура беради.
Даврлардан асл гувоҳ бўлиб шоирдан шеър қола беради.

Ёраб! Минг шукр, топдим нажот, омонликда асра коинот,
Пирлар руҳи бўлиб қанот ва меҳру шафқатга барокот,
Диёримни айла обод, гўзал юртимга бергил мурод,
Бу авом бандинг Муҳаммад сени деб назм ёза беради.
Даврлардан асл гувоҳ бўлиб шоирдан шеър қола беради.

## КАРМИНАЛИК АЗИЗ АВЛИЁЛАР

Ўзбекистон авлиёлар Ватани,
Кароматли уламолар Ватани,
Шайхулислом, анбиёлар Ватани,
Сайид, Ориф, нурзиёлар Ватани,
Пиру муршид, қадамжолар Ватани.

Тасаввуфнинг бош йўлидир шариат,
Дини ислом мазмунидир тариқат,
Ваалиуллоҳ тарғиботи маърифат,
Ҳаққа етмоқ дил кўзидир ҳақиқат,
Хожа, зокир, раббанолар Ватани.

Карминам ҳам машҳур эрур қадимдан,
Юзлаб шайхлар яшаб ўтган элимдан,
Аждодларни ўқиб борсанг сен зимдан,
Мутафаккир, олим бордир ҳакимдан,
Ҳаққа етган нурманолар Ватани.

Ҳазрат Мир Кулолга шогирди содиқ,
Нақшбанд била бирга муридлик тортиқ,
Ориф Деҳгароний хожа, шайх нотиқ,
Валилик сифатлар мужассам, ортиқ,
Оллоҳ деган нурзиёлар Ватани.

Буюк ҳазрат Қосимшайхдек азизон,
Хизмати-ла бўлди машҳури жаҳон,
Урушларга барҳам берди, халқига омон,
Шайх ороми қадамжо, амри Раҳмон,
Илми изоҳ, гул раънолар Ватани.

Қосимшайхга яқин авлод бор экан,
Темир шайх у аҳли мўмин зор экан,
Ҳам шайх, зукко табиб, элга ёр экан,
Унинг қабр тупроғи доривор экан,
Сиз ҳам айтинг тасаннолар Ватани.

Яна бир қадамжоҳ Мир Саид Баҳром,
Муҳаммад барҳаёт, вакили ислом,
Боз, кўплаб хожаларда жўшиб илҳом,
Будир: Исҳоқ, Собир, шайх Сулаймон,
Карминамдир дур, авёлар Ватани!

## ЧЎЛҚУВАРЛАР

Чўлқуварлар деб аталмиш паҳлавонлар маскани,
Чўлни обод айлаган бил қаҳрамонлар маскани,
Довруғи оламга кетган навқиронлар маскани,
Айлади қақроқ бу ерни соябонлар маскани,
Бўлди энди эр-йигиту, қиз-жувонлар маскани.

Қалб амри бу, заҳматкашлар бошлади юриш илдам,
Техника ёпирилди чўл қувилди тинмай бир дам,
Қурилди йўлу бинолар инсон бахтли чун шаҳдам,
Шижоатчи Фарҳодлар тер тўкдилар бўлиб ҳамдам,
Қирқ ҳунарли шогирд, устоз билимдонлар маскани.

Чўл чекинди Ўрта чўлдан туғилди янги ерлар,
Сочди серҳосил уруғин довюрак минглаб эрлар,
Кўкка бўйин хирмон чўзди, барака шунда дерлар,
Бобо деҳқон меҳнати у, ҳалол пешона терлар,
Ўрта ва Қарнаб «чўллари» ёш деҳқонлар маскани.

Ҳазрат Навоий орзуси Фарҳодлари барҳаёт,
Минг йиллардан қақраб ётган чўл истарди сув-нажот,
Чинакамн мўъжиза бу, қойил бўлди коинот,
Тоғни кесиб, канал қуриб, олиб келди сув-ҳаёт,
Қодир инсон, миришкорлар, мард майдонлар маскани.

## РАҚҚОСАГА АЙТИЛГАН МУХАММАС

Кўрмади олам сенингдек дилдор, пари рухсор ёр,
Йўқ экан ҳаргиз жаҳонда мен каби кўйингда хор,
Бир нафаслик суҳбатингга интизорман-интизор,
Майли ўлтир ёнгинамга қўл теккизмам мен зинҳор,
Беморингман, малҳамим сан, ўзгинангга ихтиёр.

* * *

Кўрганимда довдираб, ҳукмимни бажо этмай,
Танам ларзага келгай, бир сўз илтижо этмай,
Унутдим барча ўгит, уни дилга жо этмай,
Муҳаббат сўзи қалбда, ҳарфини бежо этмай,
Фиғоним сиғмай дилга, оламни тутди оҳим.

* * *

Сенга неларки қилдим, қилдинг гирифтори бало,
Айладинг шаҳвона суҳбат ағёрга менга жафо,
Тилка-пора бўлди жисмим бунчалар чексиз жазо.
Энди қолмай тоқатим ҳақдин тиларман бир қазо.
Сенинг чун жон нисор этдим не бахт алҳамдулиллоҳ.

* * *

Май қуйганда синди идиш мен нотавон бахтим учун,
Ё топмадим лойиқ кумуш мен нотавон бахтим учун,
Ағёр урди кўксимга ниш мен нотавон бахтим учун,
Айланди аксида гардиш мен нотавон бахтим учун,
Пайдо бўлди катта бир «иш» мен нотавон бахтим учун.

## БОҒИНГ

*(Саъдий Шерозий ғазалига мухаммас)*

Лаълингдин ким ўпдию, бер менга ҳам?
Кимга эҳсон айладинг, эй бокирам?
Оғушимга кел гулим сен субҳидам.
Ким лабинг тишлаб кетибдур, эй, санам?
Ким кўрибдур боғи лутфингдан карам?

Хуш танингда борлиғинг менга азиз.
Анор битмиш боғингда, холинг майиз.
Ёт кўздин рашким келур, бермам ҳаргиз.
Умрим ичра не тотибман энг лазиз.
Энг ширин ҳосилни узмиш қай одам?

Ҳавзи кавсардан ич, қон, олма малол,
Шифодур танингга бўлсанг сен беҳол,
Алифдек қоматингни қилмагил дол,
Оби ҳайвон чашмаси сенга ҳалол,
Чекмиш Искандар нечук меҳнат алам.

Ушбу дамки, маишат имконидир,
Балки ғайбдин ҳур юрак фармонидир,
Мустариқ маст бўлишимнинг онидир,
Бу қизил май ёки инсон қонидир,
Ё сиёҳ томган киши чакмони нам.

Боғ сайри этарсан хомдин узма, кеч
Мўтадилин пўстин арчу сувин ич,
Ғарқоб қилма ишрат учун тўнни еч.
Кўп туриб қолмас етилган мева ҳеч
Халқ қўяр пишган ширин сори қадам.

Мевасига лаб урдими бир нокас?
Ҳарчанд қилса лаззатини у билмас.
Чеккан жабрим сира ҳам писанд этмас.
Қилмам энди шарбатин ичмак ҳавас.
Бул идишдан шарбат ичмиш ўзга ҳам.

Дилкаш ёр иста ҳақдин, қилгил сўроғ,
Ишқ боғи кўп жаҳонда «учрамас тоғ».
Муҳаммад бу йўлда кўтарма димоғ.
Саъдий, ўзга ишқ эшигин қоқ, бу боғ,
Ичра ўтлабдур сурув қўйлар бу дам.

## МАЪВО

*(Ҳофиз Шерозий ғазалига мухаммас)*

Ёр ишқидан сиришким бўлди дарё,
Тўфон қилди оҳим, қолмади рўшно,
Қоним ол етди элга бўлиб ҳино,
Ғами токи дилимга тутди маъво,
Бошимга зулфи ёнглиғ тушди савдо.

Унинг номи учар менга қанотдир,
Бир боқиши юрагимга закотдир,
Ҳар сухани дилга роҳат, наботдир,
Унинг ўтдек лаби оби ҳаётдир,
Бўлибдир ул олов бағрим аро жо.

Ғарибининг бир умрлик нолишига,
Кошки кирсам ул сарвқомат тушига,
Келармиди раҳм қилиб ҳушига,
Қачонлардан бери ҳиммат қушига,
Бўлубдир ул қадди раъно тамашо.

Ишқ майин косаси тўлганман ошиқ,
Васлига етолмай сўлганман ошиқ,
Дарди ҳажри ғамда ўлганман ошиқ,
Баланд қаддига мен бўлганман ошиқ,
Мудом ошиқ иши юксак ва аъло.

Сабо келтурди ахбор андин бу тун,
Кутармен бўйини дилда тўла хун,
Тасалли айтдим, кўнгил оромичун,
Сочар анбар исин тонг ели бу кун,
Магар ёрим қилибдур сайру саҳро.

Ошиққа ғазал оҳим навосидан,
Бепарво гўзал, безор гадосидан,
Бир сўзким айтмай муддаосидан,
Оқар ёш гавҳари кўз дарёсидан,
Дуру марварид ила тўлди дунё.

Қоматингни дилдан мақтови лозим,
Сенки менга шавқ берасан таннозим,
Бир десангчи: Муҳаммад менинг созим,
Мудом Ҳофиз тили, эй сарвинозим,
Қаддинг мақтовида бурро ва гўё.

## ЙЎЛИҚТУМ

*(Лутфий ғазалига мухаммас)*

Ёр истаб оламни кездим хунхора йўлиқтум,
Сеҳргар бир Бағдодий мулки афкора йўлиқтум,
Жон олувчи ул Мансури ҳақ дора йўлиқтум,
Ёраб, не ажаб ёри жафокора йўлиқтум.
Кўзию қоши жодуву маккора йўлиқтум.

Бемор тўшагида зор илтижо қилдим тургач,
Мен томон нигоҳ ташлаб, қадам қўйганин билгач,
Бўлмаса ҳам муносиб совғам зар, ёқуту ганч,
Шукронага жон бердим ушул чеҳрани кўргач,
Ҳақдин не тилай ўзга, ки дилдора йўлиқтум.

Меҳри бир дарё эмасму кўп бўлмаса сойдин,
Ё охири бўлмаган у жавоҳирли бойдин,
Азали тақдир забун мен қорилган шу лойдин,
*Не толеи ила мен тилайин меҳр ул ойдин,*
Чун бўйла жафочи бути айёра йўлиқтум.

Ҳар сори телба юрдиму, ҳақ тулпорин бурдим,
От ўйнатиб ўзга юрт: Шом, Рум, Ироққа сурдим,
Мен истагим бўлмайин, ўзга гўзаллар кўрдим,
Ҳеч ерда қарорим йўқ эди кўйида турдим,
Бахшатта то тил ўлдиму дилдора йўлиқтум.

Қайга бормай маҳваш излаб этдилар таъқибе,
Ўнг, сўлга айғоқчилар шай турдилар боқибе.
Майга ўч Муҳаммад ҳам айтар эди соқи-бе,
Ёр истар эдим, учради ногоҳ рақибе,
Гулни тиладим Лутфий вале хора йўлиқтум.

## УЛ ҲАМОНДУР

*(Атоий ғазалига мухаммас)*

Сарви қомат сиринг ҳамон пинҳондур,
Гўзал ҳусниңг қуёш янглиғ сарбондур.
Зулайҳога Юсуф чирой посбондур,
Жамолинг равзаи боғи жинондур,
Лабинг сарчашман руҳи равондур.

Тугаш қошинг менга маҳроби раҳбар,
Қабоғинг кўрк берур ҳуснингга кавсар,
Кипригинг жон олғучи найза, ханжар,
Сочинг сунбул, юзинг сарви санубар,
Кўзинг наргиз, яноғинг арғавондур.

Лабинг очсанг дуру гавҳарга тўлса,
Кўзим ғабғаб, зеби-гардонни кўрса,
Аламдин рақиблар сўлсаю ўлса,
Белинг, оғзинг сўзи ҳар қайда бўлса,
Хаёли нозику рамзе ниҳондур.

Мақтовлар закотига бўлдим беҳол,
Зулми кўрдим, яна бўлса қилиб қол,
Жафоларинг жисмимга гўёки бол,
Не ҳожат мунча жабр этмак, равон ол,
Агар мақсуд бу бир қилча жондур.

Қанча алам, ситамлар туғдурурсен,
Бу йўлда тип олмайин буғдурурсен,
Боз сонсиз азоб касрин қурдурурсен,
Неча ғам бутасинда сиғдурурсен,
Санга чун нақдиму қалбим аёндур.

Эътибор қил гавҳар бўлган сўзингга,
Ҳар қаламда, қарашларда кўзунгга,
Доғ туширма эй Муҳаммад юзунгга
Атоийни қиёс этма ўзингга,
Агар сен ўзга бўлдинг, ул ҳамондур.

## БЎЛИБТУР

*(Навоий ғазалига мухаммас)*

Ишқинг бу бошга савдо бўлибтур,
Ҳусни жамолинг жафо бўлибтур,
Бу танга нетай, ғавғо бўлибтур,
Кўзинг не бало қаро бўлибтур,
Ки жонга қаро бало бўлибтур.

Мени мажруҳга ҳамдард қилди,
Заъфарон юзим у зард қилди,
Куйдириб таним кул-гард қилди,
Мажмуъи давони дард қилди,
Дардингки, манго даво бўлибтур.

Лайли мисоли эрур у жонон,
Товусдек рухсор, лаблари хандон,
Барчани мафтун айлади чунон,
Ишқ ичра анинг фидоси юз жон,
Ҳар жонки санго фидо бўлибтур.

Жисмимда мадор йўқ илтижодин,
Ҳол сўрмас мендин, мен мубталодин,
Умидим қолмади ул рўшнодин,
Бегона бўлибтур ошнодин,
Бегонаво ошно бўлибтур.

Бердимки кўнгул тўкарсан қоним,
Билмам не кечар энди аҳволим,
Кетди-ку мендан бахту иқболим,
То қилди кўзинг ҳавоси жоним,
Юз сори анга ҳаво бўлибтур.

Лутф карамда кўрсатиб шони,
Кўнглига солиб андуҳнинг кони,
Ошиқ чун бериб фироқнинг дони,
Боқий топар улки бўлди фоний,
Раҳравга фано бақо бўлибтур.

Баъзида кўрдим ривояти ишқ,
Баъзи бировда инояти ишқ,
Муҳаммадга бас шижоати ишқ,
То тузди Навоий ояти ишқ,
Ишқ аҳли аро наво бўлибтур.

## НАВОСИДАН

*(Навоий ғазалига мухаммас)*

Ҳақ дарак берса анга бу кўнгил навосидин,
Дарбадарман, бир йўла хабар олса гадосидин,
Айтса муддаосидин, кам қилса жафосидин,
Сарвеки, нолишим бийик ўлди ҳавосидин,
Юз минг фиғонки, огаҳ эмас мубталосидин.

На иложки, нигоҳим ўзга ёра боқмағай,
Дийдалар битди қуриб, ҳатто қонлар оқмағай,
Ватан қилдим саҳрони, панд, ўгит кор қилмағай,
Кўнглимни кўзларидин айирмангки, чиқмағай,
Мажнун насиҳат ила кийиклар аросидин.

Ҳалқайи дуди оҳим бағримда гўё бир куй,
Қуёш янглиғ кўринсанг, шу он менга катта тўй,
Сен пари-пайкар Лайлию Шириндан ҳам хушрўй,
Мен тийра бу уйда бехуду юз нав гуфтигў,
Ҳар кў бошинда телбалигим можаросидин.

Юрагим авайлаб тилка-пора қилиб кессанг,
Ҳижрон бағримда занг, оқар зардоб тегиб кетсанг,
Жон рамақда кетадур, байтул ҳарамга қистасанг,
Кўнглумда тоза доғларинг шаклини истасанг,
Фаҳм айла ўтлуғ икки кўзумнинг қаросидин.

Истагим ёлғиз ўзингсан, эй сочлари сунбул,
Жаннатинг бўстонин оч, дарс олсин мендан булбул,
Қанду асал гуфторинг, қоматинг бир даста гул,
Қувват тутар лабинг ғамини еб ҳазин кўнгул,
Гўёки, қон таваллуд этар бу ғизосидин.

Эгнимда жанда кулоҳ, шу бўлди ориятим,
Номинг тилимда такрор, ҳар нафасда оятим,
Мен қулинг, сен султоним, бор имкон, иноятим,
Давлат либоси шаҳғаки, йўқтур шикоятим,
Муғ дайри теграсида гадолиғ палосидин.

Ҳол сўраб илгимга келсанг дилдан ихлос этиб,
Ёнса сўнган бағримнинг чароғи чарос этиб,
Пир сўзин маҳкам тутди, Муҳаммад мерос этиб,
Ғам шомидин Навоийни нетгай халос этиб,
Ёрутсанг уйини шамъи жамолинг зиёсидин.

## ОВОРА БЎЛМИШ

*(Навоий ғазалига мухаммас)*

Бағрима жаҳон тор якбора бўлмиш,
Сени кўрган жисмим афкора бўлмиш,
Юракка ўрнашиб дилдора бўлмиш,
Бизнинг шайдо кўнгул бечора бўлмиш,
Маломат даштида овора бўлмиш.

Бунчалар афсунгар яратмиш наққош,
Савфи йўқ ҳуснида, холдор қаламқош,
Эл гуфти гўйига чуп бериб бардош,
Анга баским, ёғар тош устида тош,
Танида ёра узра ёра бўлмиш.

Кўнгил мулки зарбаларга бардошин,
Ё Оллоҳ деб, мадад кутган қарошин,
Устма-уст ситамлар, кўринг, сафдошин,
Урарда дам-бадам хороға бошин,
Сўнгаклар анда пора-пора бўлмиш.

Аламлар теграсида ҳолсиз, ночор,
Ер бағирлаб қучганча топмай ғамхор,
Ҳайф ўлди, нуш дори Луқмондин номдор,
Бало тоғи аро ётқанда бемор,
Хазу санжоби хору хора бўлмиш.

Кимса билмас тортган менинг озорим,
Касод бўлди авжида бор бозорим,
Сўрамайди: борму сен, деб хоксорим,
Қаро қилди нечукким рўзгорим,
Онинг ҳам хонумони қаро бўлмиш.

Қон тошар, ҳожат йўқ, ханжар дамидан,
Бошимда Тур тоғи, кеч амонат баҳридин,
Фалак жабрингни йиғ, бергил камидан,
Қадаҳ хуршиди қошиким, ғамидин,
Сириш ким кавкаби сайёра бўлмиш.

Чархи гардиш, келар яна наврўзким,
Чорасин кўргин, ахтар бир дилсўзким,
Ёр учун Муҳаммад ҳам зор ҳанузким,
Навоий чорадин кўп дема сўзким,
Ғамингга чорасизлик чора бўлмиш.

## АЙТА ОЛМАСМЕН

*(Навоий ғазалига мухаммас)*

Жисмимда пинҳона ярамки, айта олмасмен,
Афкор, ғалвирсифат баданки, айта олмасмен,
Ғам анжуман қилди танамки, айта олмасмен,
Ичимдаги ёшурун ғамки, айта олмасмен,
Бир ўт солур манга ҳар дамки, айта олмасмен.

Ғамки, хили кўп, айтса бўлур айримин секин,
Айт дебон, ағёр сўрса, ғам пардасила бекин,
Ҳарчанди, даво қилурман, деса табиб, лекин,
*Ғамики ўлсам эмас айта олмоғи мумкин,*
Агарчи ўлтурур ул ҳамки, айта олмасмен.

Шу ғам дамини дей анга деб, очтим оғзимни,
Чорладим, бўлур шоҳид дилдаги устозимни,
Фиғонимноласини тинглар деб таннозимни,
Десамки, дардини дей, ишқ илги бўғзумни,
Тутар анинг киби маҳкамки, айта олмасмен.

Боримда ғам, дил ёнар аланга ичинда чўғ,
Дегум келди, дилсўз: лабинг очма, деб урди дўғ,
Айтмасам ҳасратларин бу ғам тоғи бўлди — кўҳ,
Не нукта ишқидин айтай десам, мени ул шўх,
Қилур анинг киби мулзамки, айта олмасмен.

Айт калима шаҳодат, тилагинг ҳақдин тила,
Пинҳон бўлиб қолмасин, армонларинг бу дила,
Ғам лашкари ҳамласи танамни пайҳон қила,
Ғаминг ниҳон мени ўлтурди зулм тийғи била,
Эрур бугун манга мотамки, айта олмасмен.

Даво бермак истаб, табиб келди саҳар маҳал,
Ороми йўқ гавҳарга етказди бир оз халал,
Кўрган бўлди, жавоб қилди, мужмал ҳам дағал,
Кетур ниёлаки, ин сиррини ҳакими азал,
Анингдек айлади мубҳамки, айта олмасмен.

Айтсун десанг дардини, дарди кам эмас уни,
Айтмай деса танида кўпириб тошар хуни,
Бу дардки, эй Муҳаммад, гунг, соқов қилди сени,
Навоий айтсун ўз дардиники, дард мени,
Қилибтур ул сифат абкамки, айта олмасмен.

## НОТАВОНИМ

*(Навоий ғазалига мухаммас)*

Хаста жоним, бийик ўлди афғоним,
Жабру жафонг ортди, қолмади зорим,
Йўқ танамда мажолиму имконим,
Қуяр ҳажрингда жисми нотавоним,
Не жисми нотавонким, хаста жоним.

Йўлингда жон нисор этсам қилма дахл,
Жон куйдирмасанг жонона... бордир нақл,
Илтифот кўрсат, қиличла ёки ақл,
Гар ўлтурсанг мени қил тиғ ила қатл,
Ки бўлсун Кўюнга оғишта қоним.

Бағри ҳажр саҳросида тўла ўтмен,
Ишқ жафоси дардида ғўла ўтмен,
Висол қўмсаб анга бир йўла ўтмен,
Фироқинг сўзидин бир шуъла ўтмен,
Уни ул шуъланинг сўзон фиғоним.

Тан бошқаю ҳам ичу ҳам сиртингмен,
Юрагингда ёнаётган ўтингмен,
Кўрган айтсин, гумон йўқки, бетингмен,
Мени қовма эшикдин чун итингмен,
Ажаб йўқким, эрур кўюнг маконим.

Етишмакчун сенга ёқамни йиртай,
Юрак-бағрим очиб поралаб кертай,
Ичим пинҳонин кўргаймусен нетай,
Ёриб кўксим сени жонимға тортай,
Тараҳҳум қил кўруб доғи ниҳоним.

Ҳайҳот, бўлмади ул шўхнинг вафоси,
Қилур агёр ила кайфу сафоси,
Бу оламда алар қилгон ивоси,
Амон бермас эди даврон жафоси,
Харобот ўлмаса дорил амоним.

Ишқда Муҳаммад лоф урма ҳавойи,
Ишқдинким, мен кўрдим жабру жафойи,
Шукр, аввқла ўлармен кўрмай давойи,
Анинг кўйида қабрим қил Навоий,
Дер эрсангким, етишсун ерга ёним.

## КЕРАК

*(Бобур ғазалига мухаммас)*

Эй кўнгил, ғам йўлин бекитмоқ керак.
Ғурбатдан дилни ҳам совутмоқ керак.
Ишрат дамин ғанимат билмоқ керак.
Ўзни кўнгил, айш ила тутмоқ керак.
Бизни унутқонни унутмоқ керак.

Хурсанд бўлгин ажиб сўзларни териб,
Қаҳ-қаҳ отиб кулгин, даврада, эриб,
Маишат қил яхши дўстларга бориб,
Айшу тароб гулбинига сув бериб,
Ғусса ниҳолини қуритмоқ керак.

Ҳар не ғамни яқин олма хўптурур,
Насиҳат қил яқинингга ёқтирур.
Айбингни у керак жойида ёптирур,
Ҳар нимага ғам ема, ғам кўптурур,
Айш била ўзни овутмоқ керак.

Дилим доғини равшан айла, келгил,
Ёрду бер, бир дам ёнимда ўлтиргил,
Зиё олами-ла кулбам тўлдиргил,
Тийрадурур зуҳд дамидин кўнгил,
Ишқ ўти бирла ёритмоқ керак.

Мушкулотни оширма, қувноқ юргил,
Айшу ишратга навбат бер, май сўнгил,
Эй, Муҳаммад, кайфиятинг кўтаргил,
Қуйма машаққат аро, Бобур кўнгил,
Ўзни фароғат била тутмоқ керак.

## ТОПМАДИМ

*(Бобур ғазалига мухаммас)*

Умрим бўйи толеъи дилафкор топмадим.
Ҳар сорс елдим, югурдим, ғамхор топмадим.
Кўнглим каби бир кўнгилдек дилдор топмадим.
Жонимдин ўзга ёри вафодор топмадим.
Кўнглимдин ўзга маҳрами асрор топмадим.

Жону жаҳоним сенсан деб тождор кўрмадим,
Ҳаётим гултожи сан деб қаҳҳор кўрмадим,
Кўнгил илҳомбахши сен деб тумор кўрмадим,
Жонимдин ўзга жонни дилафкор кўрмадим,
Кўнглим киби кўнгилни гирифтор топмадим.

Бил малагим истаб ҳақдин қилдим илтижо,
Етказди у ижобатла гўзал ҳурлиқо,
Қоши ёйли, киприги ўқ пари маҳлиқо,
Усрук кўзига токи кўнгил бўлди мубтало,
Ҳаргиз бу телбани яна ҳушёр топмадим.

Унинг ғам, андуҳларидан мен қаён кетай,
Чорасиз ҳоли зорим достонга битай,
Ёлғизликда бардош қани? Усизам ўтай,
Ночор фурқати била хўй этмишам, нетай,
Чун васлига ўзимни сазовор топмадим.

Ғариб, қўй энди, кўчасига борма сўнгил,
Юрма дарвоза томон, бор хонангда бўлгил,
Такбир қилабўлмас, тақдирни, шуни билгил,
Бору борай эшигига бу навбат эй кўнгил,
Нечаки бориб эшигига бор топмадим.

Кўнгил ўзингни тамойил, қил орсизки, мен,
Дўстларинг қанча, айт уларга: борсизки, мен,
Эй. Муҳаммад бир кун келар сиз зорсизки, мен...
Бориб, ўзингни ўргатакўр ёрсизки, мен,
Истаб жаҳонни мунча қилиб ёр топмадим.

## ОТИМ ЗЕБУННИСО

*(Зебуннисо ғазалига мухаммас)*

Асли Дилором авлоди Баҳромда борми наво?
Фарҳод тан бердиШиринга кўриб ундаги шеъво,
Ғуруриm бор жасоратда, камим йўқ марддин асло.
Лайли хотидан эсамда, дилда Мажнунча ҳаво,
Тоғу тош кезгим келур, лекин йўлим тўсгай ҳаё.

Ишқ йўлида дарс ўргатдим, одам, жонзотга жўшин,
Кўрдим, ҳатто, йўлдан қайтди хунар тутган дарвешин,
Ишқ майидан нўш айлаган, бору йўқдан кечишин,
Мендан ўрганди-ю бўлди гулга булбул ҳамнишин,
Менгадир парвона ҳам, шогирду ишқимдир расо.

Ишқ азоби танда пинҳон, кўринишда бор ғурур,
Бу азоб корини қилмиш, таним жондин узулур,
Олиб келсин «нуш дорини» балки юрагим қонур.
Зоҳиримдир ғозаранг, аммо ниҳоним қон эрур,
Ўз ичига сақлагандек, қип-қизил рангин ҳино.

Борми бир Ҳотамсифат гар ишқ ғамин олса текин,
Ғайбидин келди нидо: «келса қўлингдин қоч, бекин»,
Донишлар ҳайратдаю алломалар деди секин,
Баски қўйдим мен фалакнинг елкасига ғам юкин,
Кийди мотам тўнинию, бўлди қадди ҳам дуто.

Эл-улус йўлинда юрдим, билдим, бўлдим, бахтиёр,
Шу боис бўлса керакки, шуҳрат топдим, эътибор,
Муҳаммаднинг шиори ҳам улус билан барқарор,
Шоҳ қизи бўлсамда, қилдим фақир йўлин ихтиёр,
Бас менга бу зебу зийнатким, отим Зебуннисо.

## КЕЛИБМАН

*(Машраб газалига мухаммас)*

Сени истаб Намангандан бемор келибман,
Хонанда мен қул бўлай деб дилдор келибман,
Ясаб маскан эшигинг вафодор келибман,
Даргоҳингга бир ожизу афгор келибман,
Арзи дилими этмак учун зор келибман.

Тапда кулоҳ, жанда қаландар дер халойиқ,
Ҳакиму ҳукамолар ўтказурлар тазйиқ,
Эгнимдаги либослар тикилган юз бир қийиқ,
Йўқдир менинг ичимда сенга туҳфаи лойиқ,
Эл барчасидан пургуноҳу хор келибман.

Васлингга етай деб мен дармондалигимдин,
Шу кўйи саҳро кезиб армондалигимдин,
Раҳм қил, ҳолимаки, зормандалигимдин,
Рад қилма, қабул айлаки, шармандалигимдин,
Расвои сари кўчаю бозор келибман.

Юсуфи Канъон бозорга етди қадамдин,
Тақдири азал, восил ўлди қул санамдин,
Бил, ҳаққа сенга илтижо қилдим Ажамдин,
Бозори жаҳон ичра ўшал шаҳри адамдин,
Жон нақди била сенга харидор келибман.

Илтифотингдан сен дариғ тутма дуо қил,
Кўнгил озорин билу, ўзингга ошно қил,
Менла доим сафо қил, наво қил, вафо қил!
Лутф бирла карам айлаю, дардимга даво қил,
Дармон тилабон соҳиби озор келибман.

Бор дедим тақдирда ғунча очилди нишлаб,
Сен эрса оразинг беркитдинг парда ташлаб,
Интизор Муҳаммад ҳам секин дард айтди бошлаб,
Зор ила таваллo қиладур хаста бу Машраб,
Оч парданиким, толиби дийдор келибман.

## ИШҚ БАЛОСИДИН

*(Машраб ғазалига мухаммас)*

Фалак жисмим хароб қилди муҳаббатининг васвосидин,
Ки, ошиқлик жабри менда фарёдию ғавғосидин,
Келиб ҳол сўрмади пайкар бу афтода гадосидин,
Азалдан то абад кўнглим қутулмас ишқ балосидин,
Юраклар раҳналар бўлди бу кўнглим можаросидин.

Кеча-кундуз йўлингда кўз тутармен нотавон, гирён,
Уриб бошим эшикларга келарму деб ўзим дарбон,
Юракнинг истаги сенсан, мен ғарибни қилма саргон,
Хаёлимда сенинг васлинг, етолмасман мени ҳайрон,
Магар васлингга етсам, пири комилнинг дуосидин.

Ишқнинг можаросидин танки, беҳол сарғайиб сўлди,
Бутун жисмим қон бўлди ҳам дилим зардобага тўлди,
Муҳаббат ўти куйдирди, бил ҳаққи, бу савоб бўлди,
Эшит арзимни, эй дилбар, юрак-бағрим кабоб бўлди,
Рақиблар шодмон бўлди, нигоримнинг жафосидин.

Сен юрак тубида ўсган, гавҳари ноёб бир туп гул,
Мен бу гул асли боғбони тақдир азал битилган қул,
Эй, соф, муаттар ҳиди қудрат сендадир алёр кўнгил,
Мени сенсиз бу дунёда тириклик қилмоғим мушкул,
Кел эй кўнгил, кечоли бу тирикликнинг бақосидин.

Агар қасдинг бўлса ҳамки, мени жаллодга сўйдирма,
Ишқинг оби ҳаётидин олган завқимни сўндирма,
Аҳволим хароб, пешона шўр, суягларим йўндирма,
Жабининг ҳурмати эрса, мани бу ўтда куйдирма,
Қутулғайму мени кўнглим бу ишқнинг можаросидин.

Танам ишқ ўтига тиғлаб агар маҳшар куни чиқсам,
Юрагим чок этиб доғлаб агар маҳшар куни чиқсам,
Мен Муҳаммад ёр сўроқлаб агар маҳшар куни чиқсам,
Сенинг ишқинг билан йиғлаб агар маҳшар куни чиқсам,
Куярлар мўмину кофир бу Машрабнинг навосидин.

## КЕРАКМАС

*(Махтумқули ғазалига мухаммас)*

Эй, фалак, дардимни айтай, бойлик обдон керакмас,
Қисқа бу умримда ҳаргиз давру даврон керакмас,
Қалам бердинг сўз дури чун ўзга имкон керакмас,
Фалак, менга мол берарсан, ул ганжикон керакмас,
Гўзал ёрим кўрмасам гар, фоний жаҳон керакмас.

Анча йиллар саргардонман, топмайин дилбарини,
Сайли боғ кездим паришон, истаб суманбарини,
Ойга қўл чўзиммни билмам, пешонамнинг шўрини,
Боққа кириб пайлайин мен, қулф урган анбарини,
Булбулим есир қолибсан, гўзал райҳон керакмас.

Ҳаётимни тўфон қилиб, бир мени сен сайладинг,
Мисли Нуҳ кемасидек, уммонга солдинг, пайладинг?
Ғариб айлаб ер юзини, ёлғиз ўзим бойладинг,
Бу заминни ларзон қилиб, осмон жунбуш айладинг,
Охирзамон сари сурдинг, моҳитобон керакмас.

Саломат қилғил зурриёд, даркор эмас бошқаси,
Маконимни айла обод, даркор эмас бошқаси,
Еткур бизга асл авлод, даркор эмас бошқаси,
Қилғил умримизни зиёд, даркор эмас бошқаси,
Бу ажойиб чоғларимда, ажал паймон керакмас.

Ато этдинг ишқ йўлида гулга мослаб булбулни,
Мард йигитлар майдон сурар миниб чопқир дулдулни,
Гулга дучор бўлмаган йўқ, тополмайсан бир улни,
Ҳар кимга сен бахш этибсан, яхши, ёмон бир гулни,
Ул гуллардан бошқа бизга соҳиби жон керакмас.

Ифтихори халқнинг қадим қаҳрамон Тўмариси,
Кўп бу юртда ном чиқарган дилбанду гулпариси,
Муҳаммадга гапир деса, дилда Қуръон, ҳадиси,
Махтумқули, сен сўзлагил, дейди мардлар мажлиси,
Сен бахшисен бу мажлисда, бошқа достон керакмас.

## ФАРРУХ

***(Нодира газалига мухаммас)***

Одамийнинг кўнгил бозори Фаррух,
Ишқ дардининг қувонч, озори Фаррух,
Вафодорлик — юрак тумори Фаррух,
Агар бўлса кишининг ёри Фаррух,
Муборакдир юзи, дийдори Фаррух.

Бўлса гўзал жамолила тамойил,
Кўрган айтсин наққошига минг қойил,
Севишганлар бўлсин бир-бирга мойил,
Қани ул ёрдек ширин шамойил,
Жамоли дилкашу атвори Фаррух.

Оллоҳ менга пари-пайкарни берди,
Насибамга мақсудли гавҳар терди,
Талъати жонони дил кўзим кўрди,
Менинг ёрим парилар шоҳи эрди,
Лаби шаҳду шакар гуфтори Фаррух.

Қошинг ёси, кўзинг қароси армон,
Сен шоҳимсан, ўтир тахти Сулаймон,
Мен қулингман, кутаман олий фармон,
Ниҳоли қомати сарви хиромон,
Юзи гул, лаъли шакарбори Фаррух.

Нўши-ноб деб бўлмагин ёмон отлиғ,
Оқибат танга оғу-қабоҳатлиғ,
Агар бода меъёрида бўлса тотлиғ,
Эрур майхона файзи майманатлиғ,
Лабо-лаб соғари саршори Фаррух.

Махсум даъвойи илм қилар сарсарак,
Эшон ҳам саллага зеб берар-ҳалак,
Аксари муллолар нигоҳи малак,
Менга зоҳид юзидир номуборак,
Ва лекин жуббау дастури Фаррух.

Ҳар кимки, нутқида тийран бамаъни,
Эл аро эътибори, ошди шаъни,
Воиздир Муҳаммад, роҳатда тани,
Бўлибдур Нодира мумтози маъни,
Каломи равшану ашори Фаррух.

## ЧИҚДИ САДО

*(Дилшод Барно ғазалига мухаммас)*

Пири комил Алишер гўзал рухсор учун шайдо,
Ижод қилди, илкида май, илҳомда гўзал Лайло,
Сен ҳам шу йўлнинг гадоси, майхона кир, бор савдо,
Бу муҳаббат жомидир, деб даҳрдин чиқди нидо,
«Ёр аксин майда кўр, деб жондин чиқди садо».

Ажам юртда хайрлашдим: «Хушнуд энди жон тўсилар»,
Видолашдим, рози бўлди, тоғда юрган кўҳилар,
Майл асли хайри хуш деб, кема минган нўҳилар,
Хонақоҳ аҳлиға айтдим: «Алвидо, эй сўфилар»,
Дайра кирдим, риндлиқни эмди қилғум ибтидо.

Майки маст қилди мени, васлига етдим маҳбубим,
Ўзга лаззатдан кечибман, ҳосил ўлди матлабим,
Банди қилди ишқ майи, йўқ бунга бошқа сабабим,
Ман ичиб ишқ бодасини, бой бердим мазҳабим,
Ҳарна бўлса кўрса кўзим, жон анга бўлсин фидо.

Куни тун ҳуснига зорман, ул маҳбубим дилдорнинг,
Меҳри йўқ, ваъдаси ёлғон ҳам бағритош озорнинг,
Бир қадаҳ бўлди сабабки, сезди мендек беморнинг,
Бу қадаҳ ичра кўринди, оразн ул ёрнинг,
Занжири ишқини солди бўйнима, эрмиш ридо.

Қулф уриб кўнглига ёрни бойласа маъшуқ агар,
Жодули кўзи билан хўб, мойласа маъшуқ агар,
Янги-янги азобларга тобласа маъшуқ агар,
Ошиғини ғул уриб банд айласа маъшуқ агар,
Шукр қилғай, бўлмасам деб, бандидин ҳаргиз жудо.

Икки дунё бир қадам ул севгили ёр олдида,
Кечадир жону жаҳондин гўзал хунхор олдида,
Ошиқ учун шу олам бор, париси бор олдида,
Жаннату дўзах баробар ошиқи зор олдида,
Аша мақсуддир фақат «Каси анворул худо».

Дорга осилди Машрабки гулирухсор олдида,
Тоҳир ўзин қурбон қилди, Зуҳройи зор олдида,
Муҳаммад ҳам қасдин олди, ширин анъор олдида,
Гарчи Барно зордур бир орази ёр олдида,
Ишқ имомига ҳамиша айламишдир иқтидо.

## ЭТТИЛО

*(Огаҳий ғазалига мухаммас)*

Санам учун номим нопок эттило,
Банди айлаб, дилим ғамнок эттило,
Ҳушим олиб, бошим қавок эттило,
Қасди жон ул шўх бебок эттило,
Тиғ ила кўксимни юз чок эттило.

Авваламбор жабр йўлин сайлабон,
Занжир ила қўл, оёғим бойлабон,
Йиғдилар кўп саржин ўтин шайлабон,
Лаҳза-лаҳза зулм ўтин тез айлабон,
Жисмим ул ўт узра хошок эттило.

Ё раҳм қилди парилар сарвари,
Ёнганда бор танамнинг хушки, тари,
Ё «бас» дедиму анга меҳр навкари,
Войким бир жилва бирла ул пари,
Қасди ақлу ҳушу идрок эттило.

Фарқи бўлмай мен учун шамсу қамар,
Ул эса парвоси йўқ, солмай назар,
Бу ситам саҳросида топмай самар,
Ҳар кеча оҳим чекиб дуди шарар,
Бирини анжум, бирни афлок эттило.

Фиғоним наърасига тўфон туриб,
Ер юзидан тоғу тошларни суриб,
Жисмки бор ани уммонга буриб,
Кўз ёшимдан неча дарё мавж уриб,
Чархни ғарқоби кўлок эттило.

Фалак зарби кўҳи Қоф қилди ғамим,
Зеру во-дин қолмади ҳеч бир камим,
Илтижога мажолим йўқдир, дамим,
Хайли ғам зўр айлабон ожиз таним,
Поймол ул навиким хок эттило.

Бу зулмнинг охиридан йўқ дарак,
Ишқ балоси жабридин бўлсам ҳалак,
Эй Муҳаммад, қайтма йўлдан бир тилак,
Огаҳий тонг йўқ фиғонимким фалак,
Зулм ила жоним аламнок эттило.

## ЭЙ ЁРИ ЖОНИМ

*(Муқимий ғазалига мухаммас)*

Кўрдим жамолинг, олдинг хаёлим,
Бепарво-ку сен, буздинг оромим,
Тоқатим йўқдур, сенсан нигорим,
Ошиқ бўлибман, эй ёри жоним,
Васлингни излаб йўқдур мажолим.

Раво кўрмадинг хино қўлингни,
Тандирда бўлган сиқим кулингни,
Ўзингда бори озу мўлингни,
Бир йўқламайсан куйган қулингни,
Кўзлари жаллод нозик ниҳолим.

Дуолар ўқиб, бўлдим мен нотиқ,
Ишқингда афкор, бўлайин содиқ,
Йўлингда ўзим, жабринг кўп ботиқ,
Раҳм айла манга, эй бағри қаттиқ,
Дийдам тўла қон, эй шўхи золим.

Куйингда доим бўлдим оввора,
Бирам айтмадинг: хору бечора,
Найлай дилдорим, ҳаёт бекора,
Лаб ташналарга айла наззора,
Қадди чу шамшод, қоши ҳилолим.

Хаёлим сенда, юрардим бўзлаб,
Қачон келишинг кутардим кўзлаб,
Шаҳар кезганда доимо излаб,
Олдинг кўнгилни бир-икки сўзлаб,
Девона бўлдим, тўти мақолим.

Давонлар ошган қўнмас бир қушсан,
Парвозинг баланд, етмасман учсанг,
Сен рози бўлиб, кучларни қўшсанг,
Ҳар дам куярман ёдимга тушсанг,
Бир кўрмагунча йўқдур мажолим.

Ҳолим ёмондур, пари пинҳондур,
Замон омондур, ўша макондур,
Авом Муҳаммад шу-шу ҳамондур,
Неча замондур, кўздин ниҳондур,
Ошиқ Муқимий, эй хаста ҳолим.

## АРМОНИМ МЕНИНГ

*(Фурқат ғазалига мухаммас)*

Ҳаргизам ҳол сўрмади бир моҳи хандоним менинг,
Дардима малҳам бўлувчи дори-дармоним менинг,
Меҳри товлаб, раҳм айлаб деса бир бор зорим менинг,
Бир тараҳҳум айламас ул шўхи жононим менинг,
Келди ҳажр андуҳи бирлан оғзима жоним менинг.

Кўнгил харгиз истамайдур чандон бўлса маҳтоблар,
Мадорим қолмади танда, бағрим тўла хуноблар,
Азобдан сабру оромим йўқ, йўқ тунлари хоблар,
Ўлдириб ташланг ани куйига, эй аҳбоблар,
Итлари тирноғига бўлсин ҳино қоним менинг.

Ул париваш зулм оширса, мен нечун дил доғламай,
Бардошим охир бўлиб байтул ҳарамни сайламай,
Дашту саҳролар кезиб боз Мансур дорин чоғламай,
Ул ситамгар ишқида найлай яқо чок айламай,
Бўлса олуда бало лойига домоним менинг.

Гўзал дарди беҳол қилди, талпинаман жон узар,
Афтода бу ҳолки охир хону монимни бузар,
Бундай дардга чора бўлмай кор бермайди зебу зар,
Розиман ўлсам мозорим сори бир айлаб гузар,
Десаким: ушбу шаҳиди тири мужгоним менинг.

Солмади ҳаргиз назар охир ҳамон кўнглим учун,
Очмади бир карра дарча пинҳон кўнглим учун,
Муҳаммад айтди, бергин деб имкон кўнглим учун,
Қўймади кўзга оёғин нотавон кўнглим учун,
Кўз билан кўнглимда Фурқат қолди армоним менинг.

## МЕНГА

*(Увайсий газалига мухаммас)*

Кеч деса рўза, намоздин, асли иймондир менга,
Ёзма ашъор не керак, лекин имкондир менга,
Дўст билан кечган ҳар оним балки осондир менга,
Кирмасам майхона аҳли ичра армондир менга,
Кирсам агёр илкидин бағрим тўла қондир менга.

Бўлмадинг ёнимда ҳаргиз бўлди ангорим сариғ,
Қил карамки, дилрабосен, айла бу дарддин фориғ,
Ўтмагай сув бир қултуми, оғудир еган тамуғ,
Бўлмаса васлинг муяссар айламон дилдан дариғ,
Ҳажр шомида хаёлинг моҳитобондир менга.

Ишқ жабридин зор таним, афтода ҳол армонида,
Дашту саҳро кезаман, жисмим-ку аждар комида,
Васлинг учун қон ютамен, аксинг бор ишқ жомида,
Ишқ ўтида куйдим, ўртандим фироқинг шомида,
*Васл чоғида начунким доғи ҳижрондир менга.*

Номуносиб фарзанди дил қадрин билмай Ватанин,
Ўзларига гулзор истаб, аввал узмай тиканин,
*Чизиқ чизиб, йўллар тузиб, ағдарди ўз дўконин,*
Бузди нобунёдлар озор ила дил масканин,
Ул сабабдин олами обод вайрондур менга.

*Иқобла келган бадарға англатди ўз ишмосин,*
Ҳеч сабаб йўқ, аҳли доииш тез англади даъвосин,
Йўл-йўриғи мақсадсизу ўқиб билдим имлосин,
Ғайр эли шод ўлмағил, бўлдим кўриб кам субҳасин,
*Ёғдуран бошим уза кажравли даврондур менга.*

Ёрига еткурса кошки, тўйса Вайсий, ваҳ, на айб,
Ноз ила юз кўз сузиб ҳам ўпса Вайсий, ваҳ, на айб,
*Шу ўрнида Муҳаммадин қўйса Вайсий, ваҳ, на айб,*
Орзуйи васли жонон ўлса Вайсий, ваҳ, на айб,
Бермадим жон олдида доим пушаймондур менга.

## ЎЗБЕКИСТОННИ КЎРИНГ

*(Ҳабибий ғазалига мухаммас)*

Изламанг қай ҳолда жаннат деб гулистонни кўринг,
Мевалар ғарқоби пишган шакаристонни кўринг,
Чароғон бу кенг диёр шамъи-шабистонни кўринг,
Яшнаган, гул-гул очилган Ўзбекистонни кўринг,
Хушҳаво, хушбаҳра, кўм-кўк боғу бўстонни кўринг.

Юрт гўзал ҳусни учун меҳнат қилар поку ҳалол,
Забардаст Фарҳодлари, Ширинлари соҳибжамол,
Ўлкаси тинч, фаровон, кўкда осмони зилол,
Тер тўкиб пешонадан ишлайди ҳар эркак, аёл,
Меҳнатидан бахти равнақ топган инсонни кўринг.

Азали ҳам тоғу саҳро кутди инсондин нажот,
Юртбоши кўрсатди йўлни, истиқлол бўлди қанот,
Қанча майдон ҳам адирлар бўлдилар ободу бот,
Умрида сув кўрмаган қирларга бахш айлаб ҳаёт,
Гуллатиб обод этар, эл топган имконни кўринг.

Ғалла-дон етказди халқим, катта ҳосилни олиб,
Пиллаю чорва старли, янги ерлар ундириб,
Заҳмати завқидан халқ хушҳолу хушвақт қолиб,
Чеҳра очган, кулган оқ олтин билан зийнат топиб,
Яшнаган, барқ урган ул собиқ биёбонни кўринг.

Халқ сафарбар этилган ҳар иншоот иш бошида,
Нуронию, маҳалла, ҳоким турар тўй-ошида,
Ҳашар йўли, қурилиш, тахта, болору тошида,
Ҳар план узра дадил имзо чекиб эл қошида,
Аҳду паймонни бажарган, ишчи-деҳқонни кўринг.

Равнақи бўлди Исломнинг, кўтарди бош эрлари,
Қадрият топди камол, ёрқин кўринди нурлари,
Тикланди маънавият, очилди Маъмун дурлари,
Маърифат ўсди, очилди илму фаннинг сирлари,
Кунда-кунда янги ижод, илму урфонни кўринг.

Комили инсон ҳурмати бор юракнинг остида,
Кошки бўлсам бир қаторда Ҳабибийнинг дўстида,
Муҳаммадга устоз бўлиб йўл кўрсатса кўстида,
Мадҳ этай, куйлай Ҳабибий, бахту иқбол устида,
Элга бахш этди саодат, янги давронни кўринг.

## АЪЛО ЭКАН

*(Чустий газалига мухаммас)*

Тинч Ватанда қиз, йигит бир-бирига шайдо экан,
Севги соф, меҳнати бор, иқболи рўшно экан,
Ишқ билан завқли ҳаёт ўзгача бир ошно экан,
Дил муҳаббат гавҳарин сақлашга бир дарё экан,
Бўлмаса ҳар дилда бу гавҳар қуруқ саҳро экан.

Бу Ватан ҳуснига ҳақки, жон ато этди наққош,
Барча миллат, элатлар яшар бунда аҳил сирдош,
Ҳалол меҳнат қўйнида банд, элда ҳар дам тўю ош,
Ҳар куни тинчлик жамолин кўрсатиб чиқди Қуёш,
Мен яшаб турган Ватан дунёда энг зебо экан.

Ҳар замонда бор экан ағёр битиклик хилма-хил,
Ҳозирам чиқди Ватан сотқинлари топмай кафил,
Ҳизбу таҳрир, Ваҳобийдан асрагин, сен эй Халил,
Бу гўзалликни кўролмасдан ҳасад қилган бахил,
Оқибат бир кун бориб шармандаю расво экан.

Мустақил бир юртки, бу йўли равон, ойдину оқ,
Халқи бир дам, халқи бардам меҳнати-ла тиришқоқ,
Юзлаб элат, давлатлар ҳам иноқ, ҳамкору қайноқ,
Эй кўнгил, танҳо эмассан меҳрида оламга боқ,
Шарқу Қутбу ҳам Шимолда дўстлар пайдо экан.

Бир қурол барчага дўст, кеча-кундуз бокарам,
Битадир изҳори севги санамга, боз ҳажру ғам,
Барча мушкул у билан осон бўлиб, битгай ярам,
Кунда оқ қоғоз қулоғига пичирлаб бу қалам,
Сўзлади меҳримни, фаҳм этмиш ажаб доно экан.

Озод диёрин севмаган инсон кўнгли тўлмагай,
Равнақи йўлида турган одам асло ўлмагай,
Муҳаммад юртим деб жонни тик, ким билди, билмагай,
Чустий севмасдан бўлурму, севгисиз, дил бўлмагай,
Имтиҳон этдим Ватан меҳри жуда аъло экан.

## ЎЗИМДАН ҲАМ

*(Э.Воҳидов газалига мухаммас)*

Айтди Эркин изтиробим туриб шаҳри азимдан ҳам,
Аниқ билмин — бу донолик юрак дардим — созимдан ҳам,
Чекаётган рашк азобим кечаю кундузимдан ҳам,
Сени ётлар тугул ҳатто қилурман рашк ўзимдан ҳам,
*Узоқроқ термулиб қолсам бўлурман ғаш кўзимдан ҳам.*

Кўнгил тинчмас бу озордин — сен мақталсанг суханларда,
Ишқинг ўртар, ёришмас дил гўё қолган туманларда,
Кўриб анвойи гулларни ҳасад кўзгар гулшанларда,
Кўзим ёнгай сенга наргиз — кўзни тикса чаманларда,
Яширмам лолага рашким аён бўлгай юзимдан ҳам.

Кўргач сени боғ сайлида, бўлдим гаранг, қолдиму данг,
У пок нозик латофату, ҳуснинг қилмиш ҳолимни танг.
Қаро холинг кўриб энди хаёлимнинг қушидур ланг,
Дегайларки, чаросу ол гилос олмиш лабингдан ранг,
Лабинг тегса ҳасад қилгум гилос бирла узумдан ҳам.

Неча йилки висолингга етишмак чун бўлиб шайдо,
Бу *не ғамки*, *бу не кулфат*, *билолмам не ситам*, *ғавғо*,
Писанд бўлмай неча барно, гўзал Лайло, бу не маъно,
Сени жоним дедим ёлғиз, сени қалбим дедим танҳо,
Чимирдинг қош пушаймонман кўпол айтган сўзимдан ҳам.

Чимирса қош ўзим ҳайрон, кўзим гирён, таъбимдир ланж,
Сўрсалар ҳолимни ҳаргиз, айтабилмам бир шунга важ,
У раво қилдиму олди соф ишқимдан лаъл-дуру ганж,
Висол онида кўз очса, не тонг, тонгдан кўнгилда ранж,
Жудо қилгай мени ой юз, хумор кўз юлдузимдан ҳам.

Севгида ҳайратда бўлма рашк ёнма-ёндир яхши бил,
Гавҳар деб тутдингми ёрни не маъно бор унлашдин гил,
Муҳаммаднинг бир тилаги, содиқ бўл ёрга, вафо қил,
Сенга ўн тўртда боғландим, ҳануз Эркин бўлолмас дил,
*Ўзим доғман ақл кирмас, тўзимсиз ўттизимда ҳам.*

## ЗОЕ

*(Э. Воҳидов ғазалига мухаммас)*

Забардаст бўлмаганга лавозим нетар зое,
Қонда йўқ қобилият аслида кутар зое,
Илми бўлмай ҳасадгўй доимо ёнар зое,
Кимда иқтидор йўқдир, илм ила ҳунар зое,
Иқтидор берурман деб чекма ранж кетар зое.

Ўтар олтинни депсиб, омадсиз азал йўлдан,
Бахти йўқ, алам тортар, доим орқада элдан,
Сариштаси гумондир ҳам зар топсада мўлдан,
Кимда асли толе йўқ, нақти ҳам кетар қўлдан,
Берганинг билан бўлмас олтину гуҳар зое.

Савлати бўлган билан онг сиқиқ, фаросат кам,
Бўлмаса гар туғмаси дуртмасига чекма ғам,
Субутсизга силжимайди қўлда тутган бу қалам,
Кимки беҳамиятдир, четдадир назардан ҳам,
Чунки беҳамиятга солганинг назар зое.

Бил у қайсар экан, ҳожати йўқ доритмакни,
Ўтмаса усиз кунинг улоқтир зерикмакни,
Қоронғу, тун бағрини истама ёритмакни,
Кимки муз юрак бўлса, ўйлама эритмакни,
Минг Қуёш ёқиб қўйсанг қилмагай асар, зое.

Хўроз даҳшат товуши товуқчун зўр ботирлик,
Ота молидан эрка ўғилда кўр қодирлик,
Журъати йўқ «қаҳрамон»ки, сенга ҳайф қадрдонлик,
Гар қуён юракли эр жазм этар баҳодирлик,
Унга арғумоқ эсиз, тилла нақш камар зое.

Битмагай ашъор шоир таъсирсиз асаб бирлан,
Ўқисин у ҳам майли наслию насаб бирлан,
Муҳаммад битди шеърки, афсуси ғазаб бирлан,
Бу «насиҳат»ин Эркин ёзди бир сабаб бирлан,
Кўнглида сезар, аммо шеъри бесамар, зое.

## ЎЗБЕКИСТОНИМ СЕНГА

***(А.Орипов ғазалига мухаммас)***

Ғайратим тошқин юракда, эй гулистоним сенга,
Туҳфа айлай, куч-қувват бор, ёлғиз армоним сенга,
Буюк юрт равнақи деб этай инъом қоним сенга,
Айлайин қалбимни тортиқ нурли бўстоним сенга,
Сен ватандирсан, фидодир танда бу жоним сенга.

Сенги оташи юракда сарварим деб мен сени,
Буюкдирсан, қадринг юксак ватаним деб мен сени,
Дил кўзгуси кўзин очди, диёрим деб мен сени,
Бебаҳосан, асрагайман гавҳарим деб мен сени,
Сен кароғ бўлсанг агарда, садқа мужгоним сенга.

Бўлсам йироқ, ўртар фироқ, Оллоҳ кўрсатмасин денг,
Куч оламан тупроғингда, фидойингман, феълим кенг,
Узоқ бўлмай бир қарич ҳам бағрингда шимариб енг,
Сендан айру дам узундир, лаҳзалар ҳам йилга тенг,
Бир умрга лек баробардир керак онім сенга.

Бир диёрки, шира-шарбат, шакаристонсан ўзинг,
Майса гул ҳам боғу бўстон баҳористонсан ўзинг,
Халқи бирдак, меҳри юксак мингта достонсан ўзинг,
Ҳар бир аҳлинг битта юлдуз, кавкабистонсан ўзинг,
То ҳаётдирман, чароғим, шуълайи шоним сенга.

Қайғу ҳасрат кам бўлибдир тўй қилур ўзбек элим,
Душманига ғам бўлибдир тўй қилур ўзбек элим,
Базми жамшид дам бўлибдир тўй қилур ўзбек элим,
Ёру дўстлар жам бўлибдир тўй қилур ўзбек элим,
Мен дегайман хуш келибсан, дўсти меҳмоним сенга.

Толе ёр бўлди жаҳонда, янгради ҳақли сўзим,
Қадрият ҳам маънавият, қарор топди наврўзим,
Истиқлол шарофати кўп соҳада очди кўзим,
Хизматингга шай эрурман, хизматингда мен ўзим,
Бахтиёрман сарф этолсам борки имконим сенга.

Барча дер кучи қудрат қаторда норим сен учун,
Муҳаммад айлар шижоат бор мадорим сен учун,
Абдуллақодир шоири Халқ, Қаҳрамоним сен учун,
Дилда борим сен учундир, қўлда торим сен учун.
Қайда бўлмай талпинурман, Ўзбекистоним сенга.

## МУНДАРИЖА

*Б.Рўзиев.* Отахон шоир ........ 3
*Н.Ғиёсов.* Назм гулдастаси ........ 4

*ҒАЗАЛЛАР*

Бир қиё боққил ........ 6
Гўзалга ғазал ........ 7
Ғазал ........ 8
Келур ........ 9
Барибир ........ 10
Менда бор ........ 11
Эллик қофия ........ 12
Арузда ёз ........ 13
Дил рози ........ 14
Шу қулай ........ 15
Сиз ........ 16
Бўлмаса ........ 17
Бормикан ........ 18
Кел ........ 19
Омад ........ 20
Қайтадан ........ 21
Меҳру мурувват кўрсат ........ 22
Одам бўлиш керак ........ 23
Бошинг кўкка етмасдан бурун ........ 24
Муаллим ........ 25

Муносабат ........................................ 26
Бўлолмассан ........................................ 27
Истарам ........................................ 28
Навоий вилоятим ........................................ 29
Сиҳат-саломатлик йили ........................................ 30
Ассалом, Наврўз! ........................................ 31
Соғиндим ........................................ 32
*Фардлар* ........................................ 33
*Тўртликлар* ........................................ 38
*Туюқлар* ........................................ 45

## *МУСАДДАСЛАР*

Менинг мактабим ........................................ 51
Маҳаллам менинг ........................................ 52
Барчамиз меҳмон ........................................ 53

## *МУСТАҲЗОДЛАР*

Асл муддао ........................................ 55
Ўзбекистоним ........................................ 56
Муддао ........................................ 57
Вовайло ........................................ 58
Зар ё зўр ........................................ 59

## *МУСОВИ ТАРАФАЙНЛАР*

Ватан мадҳи ........................................ 61
Истиқлол ғурури ........................................ 61
Юртим фахри ........................................ 61
Тасаввуф йўли ........................................ 62
Ҳаёт лаззати ........................................ 62
Васл жафоси ........................................ 62
Мамлакат посбони ........................................ 63
Ҳунарнинг хосияти ........................................ 63
Тантилик шарофати ........................................ 63
Ота-онанинг ҳурмати ........................................ 64
Ҳожи Али Яҳёевга ........................................ 64
Истаравшанни соғиниб (муламмаъ) ........................................ 65

## *БАЙРАМЛАР*

Наврўз ........ 67
Биринчи синф ........ 69
8-март табриги ........ 71
Хуш келдинг, Наврўз! ........ 72
Йигитларга ........ 73
Шарафли-шарифлар ........ 74
***Мувашшахлар*** ........ 75
Лапар ........ 101
Курсдошларим ........ 102
«Ардоқладим аниким...» ........ 104
«Мендаги майли муҳаббат...» ........ 104
Ишқи йўқ ........ 105
Ҳажв ........ 106
Қарилик ........ 107

## *БАҒИШЛОВЛАР*

Алишер Навоийга ........ 110
Муслиҳиддин Ғиёсовга ........ 111
Раҳматиллони эслаб ........ 112
«Алла» ҳақида ........ 113
Ҳажжиларга ........ 114
Онажонларга ........ 115

## *МУХАММАСЛАР*

Истиқлолинг муборак ........ 117
Жон ватан ........ 119
Карминам ........ 120
Маҳаллам обод менинг ........ 122
Шоирдан шеър қола беради ........ 123
Карминалик азиз авлиёлар ........ 124
Чўлқуварлар ........ 126
Раққосага айтилган мухаммас ........ 127
Боғинг ........ 128
Маъво ........ 130
Йўлиқтум ........ 132

Ул ҳамондур .......... 133
Бўлибтур .......... 134
Навосидан .......... 136
Овора бўлмиш .......... 138
Айта олмасмен .......... 140
Нотавоним .......... 142
Керак .......... 144
Топмадим .......... 145
Отим Зебуннисо .......... 146
Келибман .......... 147
*Ишқ балосидин* .......... 148
Керакмас .......... 149
Фаррух .......... 150
Чиқди садо .......... 152
Эттило .......... 154
Эй ёри жоним .......... 156
Армоним менинг .......... 158
Менга .......... 159
Ўзбекистонни кўринг .......... 160
Аъло экан .......... 162
Ўзимдан ҳам .......... 163
Зое .......... 164
Ўзбекистоним сенга .......... 165

*Адабий-бадиий нашр*

МУҲАММАДИ ЛАТИПОВ

**ҚАЛБ ЖАВҲАРИ**
*(Шеърлар, ғазаллар, мухаммаслар, тўртликлар)*

Муҳаррир
Азиз САИД

Бадиий муҳаррир
Баҳриддин БОЗОРОВ

Тех. муҳаррир
Елена ДЕМЧЕНКО

Мусаҳҳиҳ
Наргиза МИНАҲМЕДОВА

Компьютерда саҳифаловчи
Феруза БОТИРОВА

ИБ № 4172

Босишга 06.04.2006й.да рухсат этилди. Бичими 84x108 1\32.
Босма табоғи 5,3125. Шартли босма табоғи 9,03.
Адади 600 нусха. Буюртма № 81.
Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа марказида тайёрланди.
«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.
700113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кўчаси, 60.